

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 312(419)**

“География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси

ТЎРАЕВ ҚУВОНЧБЕК ТОХИРОВИЧНИНГ

**«Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда демографик
ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари»**

Мутахассислиги: 5А 440511 “Амалий география”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимоя қилишга рухсат

Магистратура бўлими бошлиғи
_____М.Эсанов

2012 й «____»июнь

“География ва уни ўқитиш

методикаси” кафедраси мудири
_____Н.Алимкулов

Илмий раҳбар г.ф.н.доц

_____Н.Сафарова

Тошкент-2012 йил

РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кириш.....

**I.Боб. Демографик жараёнларни тадқиқ этишнинг назарий-услубий
асослари.....**

1.1. Дунё аҳолисининг ўсиши тендинцияси ва уни ўрганишнинг илмий
жиҳатлари.....

1.2. Аҳолининг табиий ва миграцион ҳаракатларига таъсир этувчи омиллар..

**II.Боб. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда демографик
вазият.....**

2.1. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси таркибий
хусусиятлари.....

2.2. Дунё мамлакатларда аҳолининг такрор барпо бўлиши ва демографик
сиёсат.....

**III. Боб. Жаҳон мамлакатларида миграцион жараёнларнинг илмий
таҳлили.....**

3.1. Тараққиёт даражаси турлича бўлган мамлакатларда миграция
жараёнлари.....

3.2. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг миграцион
сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари.....

Хулоса.....

Адабиётлар руйхати.....

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги глобллашув жараёни фаол кечаётган шароитда демографик жараёнлар хусусиятлари ўтган асрга нисбатан тубдан фарқ қилади. Яъни ишлаб чиқариш тезлиги ва аҳоли даромадлари юқори, коммуникациялар ривожланган, қулай шарт-шароитларга эга бўлган минтақаларга меҳнат ресурсларининг интилиши билан характерланади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида режалаштирилган иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, демографик жараёнларга янгича ёндошишни тақозо этмоқда.

Сайёрамиз аҳолисининг сони 2011 йилга келиб 7 миллиарда етди ва демографик башоратларга кура 2015 йилгача дунё аҳолиси ҳар йили 86 миллион кишидан кўпайиб бораётган, 2011 йил ҳисобига эса 78 млн кишига туғри келмоқда. Аҳолининг бундай суръат билан кўпайиши бутун ер шари бўйича олиб қараганда, ташвишли эмас, чунки ҳозирги даврда дунёда аҳоли зичлиги ўртача 1 км² га 48 кишини ташкил қилади. Лекин ер юзиде аҳоли бир текис тақсимланмаган, шундай жойлар борки 1 км² га 1000, 2000 ва ундан ортиқ киши туғри келади ва аксинча, 1 км² да 2- 3 киши яшовчи ҳудудлар ҳам мавжуд. Умуман олганда, дунё аҳолиси билан боғлиқ қатор муаммолар демографик вазият билан боғлиқ ва у аҳоли сони динамикаси, жойлашуви, такрор барпо бўлиши ва жинсий ва ёш таркиби каби жараёнларда ифодаланади.

Шу ўринда юртбошимиз Ислам Каримов “Бугун юртимизда демографик жараён қандай кечаётгани, унинг ўсиш суръати, яқин келажакда бизни бу борада қандай муаммо кутаётгани, меҳнатга лаёқатли одамлар сони қанчага кўпайиши, улар иш билан қандай таъминланиши ҳақида ким нима дея олади?”¹, деган эди.

Шундай экан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда демографик ҳолатнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва уларни ечимига оид илмий-амалий тавсияларни етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

¹ И.А.Каримов. Ватан равнақ и учун ҳар биримиз масъулдирмиз. — Т.: “Ўзбекистон”; 2001, 9 т.; 171 б.

Мавзунинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устивор йўналишларига мослиги: Ўзбекистонда шакилланган З.М.Ақромов-А.С.Солиев иқтисодий ва ижтимоий география илмий мактаби асосан 2 та йирик йўналиш доирасида ривожланиб килмоқда; 1. Қишлоқ хўжалик ва агросаноат ишлаб чиқариш географияси; 2. Аҳоли ва шаҳарлар географияси. Тақдим этилаётган диссертация республикамиздаги иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишлардан бири, аҳоли географиясига тегишли.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуни тадқиқ этишда олимлардан М.Қ.Қорохонов, Р.М.Муллажонов, О.Б.Ота Мирзаев, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов, М.Р.Бўриева, Д.Н.Эгамова, Л.П.Максакова, З.Х.Райимжонов, З.Н.Тожиева ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар.

Рус олимларидан К.В.Папенков, М.Г.Трудова, В.И.Юшковлар қишлоқ аҳолиси миграциясига оид илмий ишларни амалга оширдилар. Шаҳарлар аҳолиси миграциясини В.И.Староверов (Россия), А.Марьянский (Польша), Т.А.Ашимбаев (Қозоғистон) каби олимлар ўрганишган. Минтақа ва алоҳида ҳудудлар миграциясини Ж.А.Зайончковская, В.И.Переведенцев, Л.Л.Рыбаковский каби олимлар чуқур ўрганишган. Бироқ, глобаллашув жараёни фаол кечаётган, ишлаб чиқариш тезлиги ва аҳоли даромадлари юқори, коммуникациялар ривожланган, қулай шарт-шароитларга эга бўлган минтақаларга меҳнат ресурсларининг оқими ортаётган шароитда демографик жараёнларга янгича ёндошишни, демографик жараёнларнинг географик хусусиятларига эътибор қаратилишини тақозо этмоқда.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда демографик ҳолатнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва уларни ечимига оид илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинган.

1. Дунё аҳолисининг ўсиши тенденцияси ва уни ўрганишнинг илмий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

2. Аҳолининг табиий ва миграцион ҳаракатларига таъсир этувчи омиллар таъсирини ўрганиш;
3. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси таркибий хусусиятларини таҳлил қилиш;
4. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг демографик ва миграцион сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

Татқиқотнинг объекти: Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси.

Татқиқотнинг предмети: Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар демографик ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари географик жиҳатларини ўрганиш ҳисобланади.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти: Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси географик жиҳатдан ўрганишда ўз аксини топади.

Диссертациянинг тўзилиши. Диссертация таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

І.БОБ. ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Дунё аҳолисининг ўсиши тендинцияси ва уни ўрганишнинг илмий жихатлари

Сайёрамиз аҳолисининг сони 2011 йилга келиб 7 миллиарга етди ва демографик башоратларга кура 2015 йилгача дунё аҳолиси хар йили 86 миллион кишидан купайиб борар экан, 2011 йил ҳисобига эса 78 млн кишига тўғри келмоқда. Аҳолининг бундай суръат билан купайиши бутун ер шари буйича олиб қараганда, ташвишли эмас, чунки хозирги даврда дунёда аҳоли зичлиги уртача 1 км² га 48 кишини ташкил қилади. Лекин ер юзида аҳоли бир текис тақсимланмаган, шундай жойлар борки 1 км² га 1000, 2000 ва ундан ортиқ киши туғри келади ва аксинча, 1 км² да 2- 3 киши яшовчи хуудлар ҳам мавжуд Умуман олганда, дунё аҳолиси билан боғлиқ қатор муаммолар демографик вазият билан боғлиқ ва у аҳоли сони динамикаси, жойлашуви, такрор барпо бўлиши ва жинсий ва ёш таркиби каби жараёнларда ифодаланади.

Шу ўринда юртбошимиз Ислон Каримов “Бугун юртимизда демографик жараён қандай кечаётгани, унинг ўсиш суръати, яқин келажакда бизни бу борада қандай муаммо кутаётгани, меҳнатга лаёқатли одамлар сони қанчага кўпайиши, улар иш билан қандай таъминланиши ҳақида ким нима дея олади?”²,деган эди.

Хозирги тақдим этилаётган диссертацияда эрамиз бошидан то ХХІ аср бошларигача (2010 йил) даврда дунё хуудлари ва давлатлар буйича аҳоли сони динамикаси, жойлашуви ва омиллари, такрор барпо бўлиш жараёни ҳамда аҳолининг миллий ва ирқий таркиби ҳақидаги маълумотлар динамикаси тўзилган ва улар таҳдил қилиниб, хуудий жихатлари алохида курсатилган. Шунингдек, 2050 йилга қадар сайёрамизнинг демографик башорати келтирилган ва аҳоли купайиши билан боғлиқ давримизнинг глобал муаммолари урганилган.

² И.А.Каримов. Ватан равнақ и учун ҳар биримиз масъулдирмиз. — Т.: “Ўзбекистон”;2001, 9 т.;171 б.

Таъкидлаш жоизки, дунё аҳолиси сони динамикаси, жойлашуви, табиий купайиши ҳамда ирқий таркиби ҳақидаги маълумотлари ўз ичига олган дастлабки ўзбек тилидаги рисола республикада аҳолишунос олим Г.Р.Асанов томонидан 1969 йилда чоп этилган эди. Табиийки, ўтган вақт ичида дунё аҳолиси сони динамикаси ва жойлашувида қатор ўзгаришлар содир бўлди ва ҳозирги диссертацияда давр талаби ҳисобга олинди, демографик жараёнлар атрофлича таҳлил қилинди. Бошқача қилиб айтганда, бу курсаткичларнинг ҳар бири алоҳида муаммо тарзида гавдаланади.

Аҳоли сони динамикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикасининг ажралмас қисмидир. Ҳар қандай ҳудудни, давлатни ёки халқни сиёсий-иқтисодий, ижтимоий жихатларини ўрганиш унинг аҳолисини ўрганишдан бошланади. Аҳоли динамикасининг курсаткичлари демографик жараёнлар (туғилиш, улим, никоҳ ва ажралиш, оила) ва уларнинг шаклланиш қонуниятларини билишда, аҳоли сиёсатини ишлаб чиқишда ҳамда халқ хужалигининг ривожланиш дастурларини тўзиш учун зарур илмий асос саналади. Ер қуррасида инсон аждодининг дастлабки вакиллари (*Homo Sapiens*) шакл ланганидан то ҳозирги даврга қадар аҳоли сони динамикасида ўзгаришлар кўзатилади. Улар дунё давлатларида турли омиллар таъсирида содир бўлиш билан бир қаторда, баъзи муаммоларга ҳам сабаб бўлади.

Аҳолининг жойлашуви, деганда эса инсонларнинг турли ҳудудлар, давлатлар буйича тақсимланиши тушунилади. Ер шари аҳоли жойлашувида умумий қонуниятлар мавжуд. Улар жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида ўзига хос мазмунда шаклланган. Дунё аҳолиси жойлашувидаги асосий омил инсон яшаши учун зарур бўлган табиий шароит ва биологик ресурслардир. Фан ва техниканинг ривожланиши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва купайиб бориши, транспорт хизматларининг шаклланиши ҳам дунё аҳолисининг жойлашувидаги асосий омиллардан ҳисобланади. Дунё ҳудудлари буйлаб аҳоли жойлашуви шу ҳудудларга хос алоҳида қонуниятлар асосида содир бўлади. Мазкур қонуниятлар ҳудуднинг табиий шароити, бойликлари, биологик ресурслари,

ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, урбанизация даражаси, жаҳон меҳнат тақсимоотида тутган урни каби омиллар заминида шаклланади. Аҳолининг дунё ҳудудларида жойлашуви хусусиятлари, омиллари ва муаммоларини мунтазам урганиб бориш мазкур ҳудудларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожлантириш ҳамда жамиятни ҳудудий бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Ер қуррасида аҳоли сони динамикаси ва жойлашувида бўлган ўзгаришлар, биринчи навбатда, аҳолининг такрор барпо бўлиши (туғилиш, улим ва табиий қупайиш жараёнларининг йиғиндиси) билан боғлиқ. Аҳолининг такрор барпо бўлиши ер юзидаги давлатларда кескин фарқ қилади. Жамият таққиётининг бугунги босқичида бир гуруҳ давлатларда, ҳозирги авлод вакилларининг сони, қутилаётган авлод вакиллари сонидан бирмунча камроқ. Бундай ҳолат мазкур давлатларда келажакда аҳоли сонининг камайиб кетишига олиб келади ва қатор демографик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Иккинчи гуруҳ давлатларда эса ҳозирги авлод вакилларининг сонидан келажакда қутилаётган авлодлар сони юқори бўлади. Бундай вазиятда аҳоли сони қупайиб боради. Аҳолининг қупайиб бориши ҳам баъзи давлатларда қатор иқтисодий муаммоларни бартараф этиш зарурлигини тақозо этади.

Аҳолининг такрор барпо бўлишига бевосита боғлиқ ҳолда унинг жинсий ва ёш таркиби ҳам шаклланади. Аҳолининг бугунги жинсий ва ёш таркиби, кечаги аҳоли такрор барпо бўлиши хусусиятларининг натижаси, эртанги аҳоли такрор барпо бўлишининг эса асосидир. Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби дунё давлатларида турлича шаклланган. Бир қатор давлатларда аҳоли таркибида болалар (0-14 ёш) салмоғи юқори (40-50%), қариялар (65 ва ундан катта ёшдагилар) салмоғи паст (7%дан кам) бўлса, бошқа бир қатор мамлакатларда эса болалар салмоғи паст (15-20%) ва қариялар салмоғи эса юқори (7-30%) бўлади. Ҳар иккала ҳолат ҳам ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишда ўзига хос муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Аҳолининг жинсий таркиби жаҳон давлатларида аёллар ва

эркакларнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаётда тутган урни, бахтсиз ходисалар, урушлар ва миграция таъсирида шаклланади ҳамда ўзаро фарк қилади. Жинсий мутаносиблик никоҳ ва оила муносабатларининг шаклланишида ижобий аҳамиятга эгадир.

Жамият тараққиётининг бугунги босқичида ер шарига турли халқлар (этнос), миллатаар, ирқий гуруҳлар сони динамикаси ва жойлашувида аҳоли такрор барпо бўлиши хусусиятлари, консолидация ва ассимиляция жараёнларига боғлиқ ҳолда маълум ўзгаришлар содир бўлмоқдаким, улар купчиликнинг эътиборини тортади. Сайёрамизнинг ХХІ асрнинг биринчи ярмига қадар бўлган демографик башоратида дунёнинг баъзи ҳудудларида аҳоли сони секинлик билан купайиб бориши, баъзи ҳудудларида аҳоли сони купайишдан тухташи, яна бир гуруҳ давлатларда эса аҳоли сонининг купайиши нисбатан жадалроқ кечиши қайд этилган. Ҳозирги кунда дунё аҳолиси сонининг ўзгариб бориши билан боғлиқ глобал иқтисодий, демографик ва экологик муаммолар мавжуд. Уларнинг ечими дунё аҳолиси сони, таркиби, жойлашуви ва унинг омилларини, ҳудудий хусусиятларини атрофлича ўрганишии тақозо этади.

Ер шарига инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида илмий адабиётда турлича қарашлар мавжуд. Кўпчилик антрополог олимлар фикрича, сайёрамизда бундан V-VII миллион йил аввал инсоннинг дастлабки аجدодлари (австралопетиклар) Африка ва Осиёнинг тропик ва экваториал зоналарида яшаганлар. Кейинчалик II-III миллион йил илгари австралопетаклардан энг қадимги инсонлар-архатроплар шаклланган ва улар Шарқий Африкада истиқомат этганлар. Бундан 600-700 минг йил муқаддам инсоннинг энг қадимги аждоди бўлган архантроплар палеонтропларга, питекантропларга ва неандерталларга айланганлар ва Жануби-Шарқий ҳамда Жануби-Ғарбий Осиёга тарқалганлар. Нихоят, бундан тахминан 40-50 минг йил илгари инсоннинг онгли (Homo Sapiens) аждоди шаклланган. Онгли инсоннинг пайдо бўлиши мезолит даврига тўғри келади.

Аҳоли сони ҳақидаги маълумотларга кўра, эраиздан олдинги даврда ер шарида бор-йўғи бир неча юз минг киши, бирмунча аниқроқ маълумотлар бўйича эса эраиздан 7 минг йил олдин ер шарида 10 миллионга яқин аҳоли яшаган экан ва улар ҳар 1000 йилда тахминан 10-20 % дан купайиб борган ҳолос. Аҳолини бундай секин кўпайиши аҳоли ўртасида улим ҳолларининг юқорилиги билан изоҳланади. Ушбу даврда аҳоли ўртасида улимнинг умумий коэффициент 50 % ва ундан юқори бўлган, бошқача қилиб айтганда, ҳар 1000 аҳолидан 50 таси ҳаётдан кўз юмган. Айниқса, болалар улими юқори бўлган. Аҳоли очликдан, касалликлардан ва қабилалараро бўлиб турган тукнашувлардан купроқ ҳалок бўлган. Аҳолининг уртача умр кўриши 20 йилдан ошмаган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҷамият тарихида ҳар бир даврда аҳолининг купайиши ва ривожланиши, уша даврнинг ишлаб чиқариш усули ва муносабатларига, турмуш даражасига, яшаш шароитларига бевосита боғлиқ бўлган. Ҷамият ривожланишининг биринчи босқичида ер юзи бўйича аҳолининг купайиши жуда секин борган. Аҳоли сонининг купайиб боришида ва жойлашувида қабилалар жойлашган масканларнинг табиий шароитлари, сув ресурслари ва иқлими асосий омил ҳисобланган. Турли табиий офатлардан баъзи қабилалар қирилиб кетган. Айниқса, совуқ иқлими, қиши ўзоқ давом этувчи ҳудудларда аҳоли совуқ дан, очарчиликдан куплаб ҳалок бўлган. Ана шу боис, Евросиёнинг шимолий қисмида аҳоли жуда сийрак жойлашган. Америка ва Австралияда ҳам палеолит даврининг охирларида жуда кам аҳоли истиқомат этган. Табиий шароити инсон яшаши учун қулай, сув ресурслари мавжуд Ҳудудларда, яъни Урта денгиз атрофларида Шимолий Африка, Евросиё материгининг жанубларида эса аҳоли зичроқ жойлашган.

Ибтидоий ҷамоа даврида, аҳолининг яшаш шароити жуда оғир эди. Инсонлар ғорларда макон қилганлар. Табиий ғорлар одамлар учун яқкаю ягона бошпана вазифасини утаган. Энг муҳими қорин туйғазииш ва бирор-бир жойда тунаш бўлган. Улар овчилик билан кун қуришган, табиий офатларга

карши кураша олмаганлар. Мухитнинг табиий таъсирига онгли чоралар куллай билмаслиги сабабли, аҳоли уртасида улим ҳам юқори бўлган. Ибтидоий жамоа даврида аҳолининг уртача умр куриши 20-25 ёшни ташкил этган ва ибтидоий давр одамлари ҳозирги давр одамларига нисбатан 3-3,5 марта кам яшаганлар. Шундай бўлсада, аҳоли сони секинлик билан купайиб борган.

Аҳоли купайишининг асосий сабаби тўғилишининг юқори даражада (физиологик имконият даражасида) бўлганлигидир. Демак, бир томондан инсоннинг табиий офатлар олдида ожизлиги, ўзаро низолари унинг камайишига олиб келса, иккинчи томондан, туғилишнинг юқори даражадалиги аҳоли сонининг маълум даражада купайиб боришига сабаб бўлган. Ибтидоий жамоа даврида Жанубий Осиё, Европанинг жанубий қисмларида, Африка қитъасида аҳоли нисбатан зич яшаган. Евроосиё материгининг шимолий районларида, Австралия ва Америка қитъаларида аҳоли жуда сийрак жойлашган.

Ушбу даврда дунё аҳолиси сони жуда секин кўпайган. Тахминан бундан XV минг йил илгари мезолит даврининг бошида ер куррасида бир неча миллион аҳоли яшаган холос. Неолит даврининг бошида эса дунё аҳолисининг сони 10 миллионга етган. Аҳолининг асосий қисми Жанубий ва Шарқий Осиёда, Африка ва Жанубий Европада жойлашган. Евроосиё нинг шимолий қисмида аҳоли деярли яшамаган. Австралия ва Америка худудларида ҳам жуда кам аҳоли яшаган. Шимолий ва Жанубий Америкада 100-200 минг киши яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Ибтидоий жамоа даврида туғилиш жуда юқори даражада (1000 одамга нисбатан 45-50 та) бўлиб, бу ҳол эрта никоҳлар ва тартибсиз оила-никоҳ муносабатлари билан боғлиқ бўлган. Лекин кўпчилик аёллар ўзларининг репродуктив даврини тўла яшай олмаганлар. Уларнинг оғир турмуш шароити, тиббий хизматларнинг йўқлиги ҳаётдан жуда эрта кўз юмишига сабаб бўлган. Купчилик аёллар фарзанд кўриш даврида ҳаётдан кўз юмган. Ушбу даврда нафақат аёллар, болалар, эркаклар улими ҳам юқори эди.

Таъкидлаб утганимиздек, улар очликдан, антисанитария ҳолатидан, кабилалараро тукнашувлардан, ёввойи ҳайвонлар ҳужумларидан, табиий офатлардан ва турли эпидемиялардан ҳалок бўлганлар. Қадимда одамлар гуруҳ-гуруҳ, қабила бўлиб яшаган. Баъзи қулай табиий шароитда яшаган кабилаларда аҳоли сони нисбатан тезроқ усган, табиий шароити ноқулай жойда яшаган кабилаларда эса очлик, камбағаллик туфайли аҳоли улими юқори бўлиб, аҳоли сони жуда секин купайган.

Инсоният тарихида суғорма деҳқончилиكنинг ривожланиши озиқ-овқатнинг купайишига, аҳоли моддий турмуш шароитининг бирмунча яхшиланишига олиб келди. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши синфий жамиятга асос солди. Ибтидоий жамият бағрида феодал ишлаб чиқариш муносабатлари шакллана бошлади. Дунёда цивилизация марказлари пайдо бўлди, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ташкил топа бошлади. Содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аҳоли ўртасида улим ҳолларининг камайишига, ўртача умр кўриш муддатининг бирмунча ўзайишига сабаб бўлди. Натижада дунё аҳолисининг сони кўпая бошлади. Қадимги Мисрда фиръавнлар даврида VII миллион, Вавилонда эса IV-V миллион аҳоли яшаганлиги маълум. Эрамининг бошида дунё аҳолиси 200-250 миллионни ташкил этган ва уларнинг 50 миллиони Рим империясида истиқомат этган. Аҳолининг яна 40-50 миллиони эса Хитой ва Хиндистон ҳудудларида яшаган. Шимоли-Ғарбий Европада эса аҳоли жуда кам I миллион атрофида бўлганлиги қайд этилади.

Урта асрларда ҳам дунё аҳолисининг сони кўпайиб борди. Лекин аҳолининг кўпайиш суръати нисбатан секин бўлган. Биринчи минг йилликнинг охирида дунё аҳолисининг сони 250-300 миллионни ташкил этган бўлса, иккинчи минг йилликнинг ўрталарида бу курсаткич 400-500 миллионга етган. Жумладан, Осиёда 250 миллион, Европада 65-80 миллион, Америкада 30-50 миллион, аҳоли истиқомат этган. Ушбу даврда баъзи давлатларда босқинчилик, урушлар, ҳужаликлар издан чиқиши натижасида аҳоли сонининг камайиб кетганлиги ҳам кўзатилади.

Аҳоли сонининг купайиб боришида жамиятда ишлаб чиқаришнинг мукаммаллашиб бориши, содир бўлган меҳнат тақсимотлари, яъни чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши алоҳида омил ҳисобланади. Эрамиздан 7-8 минг йил олдин Яқин Шарқ ҳудудларида жуда кўп қабилалар овчиликдан чорвачиликка, деҳқончилик қилишга ута бошладилар. Хўжалик юритишдаги янги шароит қабилалардаги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилади, озиқ-овқат захиралари яратилди. Натижада аҳолининг улим холлари нисбатан камайди, Лекин турли эпидемиялар, хужаликлар орасида мавжуд урушлар туфайли улим ҳамон юқори эди.

Хужалик юритишнинг янги формаси сабабли, қабилаларнинг бир жойдан иккинчи жойга мунгазам кучиб юриши бирмунча барҳам топди. Қабилалар деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиши натижасида утроқ ҳаётга ута бошладилар. Бу ҳол эса аёллар аҳолининг бир оз яхшиланиб, туғилишнинг кутарилишига сабаб бўлди. Туғилишнинг кутарилиши эса дунё аҳолиси сонининг купайиб боришига олиб келди. Ушбу даврда эрта никоҳлар ва купболалилик деярли барча аҳолига хос бўлган. Лекин синфий жамиятнинг пайдо бўлиши билан туғилишга салбий таъсир этувчи баъзи омиллар ҳам шакллана бошлади. Масалан, қулдорлик даврида қуллар, аксарлар аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнида иштирок этмасдилар. Шунингдек, баъзи диний қарашлар, масалан буддизм, инсон руҳини гуноҳлардан кутқариш мақсадида, никоҳсизлик ва фарзандсизлик ҳолатларини қуллаб-қувватланди.

Ишлаб чиқариш кучларининг янада такомиллашуви аҳоли уртасида синфлар ва давлат пайдо бўлишига олиб келди. Жамият аста-секин ибтидоий тўзумдан қулдорлик даврига (синфий жамиятга) утди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожлана бошлади. Жамият таққиётидаги бу ўзгаришлар аҳолининг ибтидоий тўзум даврига нисбатан анча тез эди. Бунинг асосий сабаби туғилишнинг юқорилигидир. Туғилишнинг юқорилиги эса ўз навбатида, аёлларнинг эрта никоҳга кириши, туғилишнинг чекланмаганлиги ҳамда купболалиликни халқ, давлат ва дин томонидан қуллаб-қувватланиши билан боғлиқ эди. Лекин қулдорлик тўзуми

даврида аҳоли уртасида улим ҳоллари анча юқори бўлган. Сабаби, купгина қишлоқ ва шаҳарларда аҳолининг жуда зич жойлашуви ва гигиена-санитария шароитларнинг йуклиги туфайли юқумли касалликларнинг кенг тарқалганлигидир.

Аҳоли уртасида маданиятнинг ривожланиши, қадимий цивилизация марказларининг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу маданият марказлари ер қуррасининг суғориладиган ҳудудларида (Миср, Месопотамия, Хиндистон, Хитой ва бошқа ҳудудлар) шаклландилар.

Қадимги Мисрда фиръавнлар даврида 7 миллион аҳоли яшаган деб тахмин этилади. Дунё ҳудудларида умумий аҳоли сони эрамиздан аввалги 5 минг йилликда 30 миллион атрофида бўлган. Ана шу даврда ер юзида аҳоли жойлашувининг ҳозирги ареаллари пайдо бўлган.

Инсоннинг яшаш учун кураши бориб-бориб, жамият таққиётада ижобий (прогрессив) ўзгаришларга олиб келди. Ишлаб чиқариш кучлари ривожлана бориб, кишилар дастлаб чорвачилик, кейинроқ эса деҳқончилик билан шуғулланишга ўтдилар, очликка, касалликларга қарши кураш бошладилар. Энди улар меҳнат қилиб, моддий маҳсулотлар яратадилар. Хўнаrmандчилик, савдо ривожланди ва шаҳарлар пайдо бўла бошлади. Инсон хусусидаги бу ижобий ўзгаришлар уларнинг ҳаёт шароитини яхшилади.

Синфий жамиятнинг шаклланиши, дунё ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишидаги фарқлар, аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнига бевосита таъсир қурсатди. Баъзи ҳудудларда ёппасига тарқалган эпидемиялар ва урушлар оқибатида аҳоли уртасида улим ниятда юқори бўлган, қишлоқлар аҳолисиз қолган. Ушбу давр учун аҳоли такрор барпо бўлишида ибтидоий жамиятдагидек, умумий бир хусусият-туғилишнинг юқорилиги сақланиб қолган эди. Қулдорлик тузумидагидек, купболалилик нафакат урф-одатлар, балки давлат сиёсати, дин, айникса, ислом ва индуизм томонидан ҳам қуллаб-қувватланар эди.

Инсоният таққиёти тарихидаги дастлабки "Маданий-техник революция" ишлаб чиқариш кучларининг янада ривожланишига сабаб бўлди. Озиқ-овқат

махсулотлари ишлаб чиқариш ривожланди. Бу хол эса ўз навбатида дунё аҳолиси сонининг купайишига олиб келди.

Эрамизнинг бошларида ер шари аҳолисининг сони 200-250 млн. киши атрофида эди. Юқорида қайд этилганидек, аҳолининг асосий қисми Рим империяси, Хитой ва Хиндистонда жойлашган.

1- Диаграмма




XI-XV асрларда дунё аҳолисининг маълум қисми юз берган катта урушлар туфайли қирилиб кетди. Айниқса, бу урушлардан Шарқий за Жануби-Шарқий Европа мамлакатлари аҳолиси катта талафот курди. Урушлар нафакат аҳолининг бевосига қирилиб кетишига, балки хужаликларни, ишлаб чиқаришни издан чиқариш ҳисобига содир бўлган очарчилик сабабли хаётдан бевақт кўз юмишларига олиб келган.

Агар дастлабки 500 йилда (1000-1500 йилпар) ер юзи аҳолиси 135 миллионга купайган бўлса, 1500-1750 йилларда ёки 250 йилда эса бу курсаткич 288

миллионни ташкил қилди, яъни аҳолининг узиши 2 марта тезлашди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, аҳолининг узиши янада тезлашди.

2- Диаграмма



Дунё аҳолисининг 1000 йилдан 2005 йилгача бўлган узишига назар ташласак, аҳоли энг тез купайган давр XX асрдир. 1900-1950 йилларда ер шари аҳолиси хар йили уртача 0,90% дан купайган бўлса, 1950-2000 йилларда бу курсаткич 1,75% га етди.

Сайёрамиз аҳолисининг купайиб бориши унинг алохида худудлари буйича ҳам фарқ қилади (2-жадвал).

Европа аҳолиси. Европада милоднинг бошларида 35 миллион аҳоли яшаган, холос. Дастлабки 1000 йил давомида, яъни милоднинг бошидан X асрга қадар аҳоли факат 10 миллионга купайган.

Худудлар	Аҳоли сони млн.киши				Аҳоли салмоғи, %			
	Эрамиз боши	1000 й.	2000 й	2005 й.	Эрамиз боши	1000 й.	2000й.	2005 й.
Дунё буйича	230	305	6055	6464	100	100	100	100
Осиё	155	195	3585	3831	67,4	63,9	59,3	59.3
Европа	35	45	510	524	15Д	14,8	8,4	8.1
Африка	30	40	790	906	13,0	13,1	13,0	14,0
МДХ мам-лакатлари	5	10	290	278	2,2	3,3	4,8	4,3
Америка	4	14	850	892	1,8	4,6	14,0	13,8
Австралия ва Океания	1	1	30	33	0,4	0,3	0,5	0,5

World Population Data Sheet, UNFPA 2005. P.131-134.

Фан-техниканинг ривожланиши туфайли Европада ишлаб Чикаришда кул кучи урнига техникадан фойдаланиш аҳоли ижтимоий-иқтисодий шароитининг маълум даражада яхшланишига олиб келди. Аҳоли сони олдинги даврларга нисбатан тезроқ суръат билан купая борди. Лекин Европанинг баъзи худудларида таркалган эпидемиялар (1624,1639 йиллардаги вабо), очарчиликлар (Италияда 1739-1741 йиллардаги картошка очарчилиги) ва урушлар Туркия ва Болқон уруши XVI асрда; 1618-1648 йиллардаги 30 йил лик уруш, 12 йил давом этган испан мероси учун уруш 1701-1713 йиллар) аҳоли сонининг купайиб боришига салбий таъсир этган албатта. Шунингдек, Европа аҳоли сони динамикасига эмиграция ҳам таъсир курсатди. Американинг кашф этилиши жуда куп испанлар, португаллар, инглизлар, голландлар ва францўзларнинг Америкага «кўчиб кетишига сабаб бўлган. XVI-XVIII асрларда Европадан Америкага 2 миллиондан куп аҳоли кетган.

1.2. Аҳолининг табиий ва миграцион ҳаракатларига таъсир этувчи омиллар

Эрамининг бошларидан дунё аҳолиси XIX асрга қадар 710 млн. кишига, XX асрга қадар 4590 млн. кишига ва 1990 йилларга қадар 23 мартага ошган. XX аср бошларига қадар болалар ўлими юқори эди. У даврда яхши таъминланган ва маданиятли оилаларда ҳам болаларнинг яшаб кетишига кафолат йўқ эди. Оқибати ўлим билан тугайдиган болалар касалликларини даволаш яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли шундай ҳолат юзага келган. 1950-1990 йиллар давомида дунё аҳолиси 2,1 мартага, жумладан, Хорижий Европада 1,3, Шимолий Америкада-1,6, Австралия ва Океанияда 2,0, Хорижий Осиёда 2,2, Лотин Америкасида 2,7, Африкада 2,9 мартага ошди.

XX аср бошидан II жаҳон урушига қадар ҳозирги ҳамдўстлик давлатларидаги демографик жараёнлар таҳлилининг диққат марказида авваломбор Россия, кейин Собиқ иттифоқнинг Европа қисми турарди. Бу давр миграцияси ҳам янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлди. 1926 йилдан 1939 йилга қадар Россия аҳолиси йилига 1318,3 минг кишига, Озарбайжон аҳолиси 895,9 минг кишига, Украина 159,7, Ўзбекистон аҳолиси 143,0 минг кишига ўсиб борди. 1959 йилда Қозоғистонда жами аҳолининг 42,7%и, Қирғизистонда 30,2%и, Украинада 16,9%и, Ўзбекистонда 13,5%и ёки собиқ Иттифоқдаги барча русларнинг шунга мувофиқ равишда 3,5; 0,5; 6,2; 1,0 фоизи яшаган.

Халқ хўжалигини ривожлантиришга асосланган аввалги тизимда меҳнат ресурсларининг ички миграциясига ҳам режалаштирилган иқтисодиётнинг таъсири юқори бўлди. Айниқса, 70-йилларда қишлоқларни шаҳарларга тенглаштиришга қаратилган сиёсат оқибатида миграциядаги эркин ҳаракат издан чиқди. Аслида шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги тавофут доимо мавжуд бўлган ва бундан кейин ҳам шундайлигича қолади. Масалан, ўша даврда ташкил қилинган шаҳар типидagi аҳоли пунктлари (сохта шаҳарлар) бугунгача шаҳарга айланиб улгурмади. Чунки шаҳарлардаги саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бориши учун малакали ва сифатли меҳнат ресурсларига эҳтиёж сақланиб қолади. Бу тўғрисида 70-йилларда В.И.Перевенденцев, Ж.А.Зайончковская,

ТИ.Заславскаялар ўз тадқиқотларида изоҳ бериб ўтишган. В.И.Переведенцев: «Қишлоқ аҳолиси – шаҳар ёшларига нисбатан таққосланганда, шаҳар ишчиларининг ўрнини тўлдириш учун бироз билимсизроқ, аммо ҳозирда ишлаётган ишчиларга нисбатан анча укувли» - эканлигини таъкидлаган. 90-йиллардан бошлаб Дунё мамлакатларида аҳолининг ҳам ички, ҳам ташқи миграциясининг фаоллашуви Европа, собиқ Иттифоқ ва бошқа минтақаларда аҳолининг ҳудудий тақсимланишига сабаб бўлди. Масалан, Югославиянинг беш давлатга парчаланиб кетиши ва ҳарбий урушлар оқибатида 2,5 млн.дан ортиқ кишининг қочоқлар қаторига қўшилишига сабаб бўлди.

2-жадвал

II жаҳон урушига қадар, 1926-1939 йилларда ҳозирги МДХ мамлакатлари аҳолиси сонининг ўзгариши

№	Аҳоли сони (минг киши)		1939 йил 1926 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	12 йил давомида ўртача ўсиш (минг киши)
	17 декабр 1926й	17 январ 1939й		
Россия	93458,0	109278,6	116,9	1318,3
Украина	29042,9	30960,2	106,6	159,7
Белоруссия	4983,2	5568,0	111,7	40,6
Озарбайжон	2313,8	3209,7	138,7	895,9
Гру́зия	2677,7	3542,3	132,3	72,3
Арманистон	881,3	1281,6	145,4	33,3
Туркманистон	998,2	1254,0	125,6	21,0
Тожикистон	1032,2	1485,1	143,9	37,7
Ўзбекистон	4565,4	6282,5	137,6	143,0
Қозоғистон	6074,0	6145,9	101,2	5,9
Қирғизистон	1001,2	1459,3	145,7	38,1
Жами:	147027,9	170467,2	115,9	1953,2

Шу йиллар давомида 125 млн. дан ортиқ киши ўз юртидан ташқарида яшаганлиги қайд этилган. Европада саноатнинг энг оғир тармоқларида иммигрантлар ишлашади. Масалан, Францияда қурилишида банд бўлганларнинг 1/4 қисми ва автомобилсозликда банд бўлганларнинг 1/3 қисми, Швейцарияда қурилишда банд бўлганларнинг 2/5 қисмини иммигрантлар ташкил этади.

Албатта, бутун саноат ёки иқтисодиётни ташқаридан ишчи кучи ёллаш орқали сифатли меҳнат ресурслари билан таъминлаш ёки иқтисодиётни барқарорлаштириш мумкин эмас. Бунда асосий эътибор мамлакатнинг ичидаги малакали мутахассислардан самарали фойдаланишга қаратилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги демографик жараёнлар бевосита янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва меҳнат ресурсларининг жойлашуви билан боғлиқ бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярмида бир неча юз минглаб зиёлиларнинг халқаро меҳнат миграциясига келиб қўшилиши «ақлли идрокли одамлар» («Утечка мозгов» ёки «Brain drain») нинг бошқа юртларга ўтиб кетиши одатий ҳол бўлиб қолди. Масалан, 80-йилларнинг бошида Буюк Британия Араб мамлакатларининг 600 та олими, 45 мингдан ортиқ университет маълумотиغا эга бўлган киши ишлаган.

Баъзи маълумотларга кўра, бу даврда АҚШдаги миллий академия аъзоларининг 1/4 қисми, Нобель мукофоти совриндорларининг 1/3 қисмини хорижий мутахассислар ташкил этган.

**II жаҳон урушидан кейинги даврда ҳозирги МДХ аҳолиси сонининг
ўзгариши ва миграция сальдоси (1959-1968 йиллар)**

	1959	1968	1958-68 йилларда умумий ўсиш	Табиий ўсиш		Мигра- ция сальдоси	1968 йилда- ги аҳоли сонига нисбатан миграция сальдоси
				(минг киши)	Ҳоизда		
Россия	117534	127911	10377	13835	10,8	-1729	1,3
Украина	41869	46381	4512	4008	8,6	+504	1,0
Белоруссия	8055	8820	765	1681	19,0	-458	5,1
Молдова	2885	3489	604	533	15,2	+71	2,0
Озарбайжон	3698	4917	1219	1213	24,6	+6	0,1
Гру́зия	4044	4659	615	602	12,9	+13	0,2
Арманистон	1763	2306	543	350	15,1	+193	8,3
Туркменисто н	1516	2029	513	525	25,8	+12	0,5
Тожикистон	1981	2736	755	502	18,3	+253	9,2
Ўзбекистон	8261	11266	3005	2400	21,3	+605	5,3
Қозоғистон	9154	12678	3524	3204	25,2	+320	2,5
Қирғизистон	2066	2836	770	512	18,0	+258	9,0

Бугунги кунга келиб, реэмиграция масаласида кўпгина Ғарб мамлакатлари фаол тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Масалан, Франция, Нидерландия каби давлатлар реэмиграцияга йўналтирувчи дастурларни ишлаб чиққан. Бироқ, ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигида меҳнат ресурсларини экспорт ёки импорт қилишга эҳтиёж мавжуд. Масалан, илмий башоратларга кўра, 2025 йилга бориб, Россия аҳолиси 147 млн. дан 134 млн. кишига камайиши оқибатида Россияда 11 млн., Қозоғистонда млн. киши (меҳнат ресурслари) га эҳтиёж ортади.

Меҳнат ресурслари экспорти ва импортидан самарали фойдаланиш ва унинг сифатига эътибор қаратиш чет эл валютаси ёки тажрибаси кириб келишининг асосий манбаларидан биридир.

1959-1968 йилларда аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган республикалар Туркменистон (26%), Қозоғистон (25%), Озарбайжон (25%), Ўзбекистон давлатлари бўлди. Албатта, бу жараёнларга аҳоли миграцияси ҳам салмоқли таъсир кўрсатган. 1968 йилдаги аҳоли сонига нисбатан миграция сальдоси мусбат бўлган республикаларга Тожикистон (9,2%), Қирғизистон (9,0%), Арманистон (8,3%), Ўзбекистон (5,3%) киритиш мумкин. Шунингдек, манфий миграция кўрсаткичлари юқори республикаларга Белоруссия (5,1%), Россия Федерацияси (1,3%) қабиларни киритиш мумкин.

1968-70 йиллар давомидаги икки йил давомида ўша даврдаги Собик иттифок умумий аҳолисининг 5,7%и ўз яшаш жойларини ўзгартирган.


4-жадвал

1970 йилдаги «Рўйхатга олиш» гача бўлган икки йил давомидаги миграция кўрсаткичлари (1968-1970 йиллар)

Давлатлар	1970	Кўчиб келганлар		Кўчиб кетганлар		Миграция сальдоси	
		(минг киши)	Жами аҳолига нисбатан %	(минг киши)	Жами аҳолига нисбатан %	(минг киши, +/-)	Жами аҳолига нисбатан %
Россия	130039	17425	13,4	15214	11,7	+2211	1,7
Украина	47126	12582	26,7	11970	25,4	+612	1,3
Белоруссия	9002	2673	29,4	2619	29,1	+54	6,6
Молдова	3569	1206	33,8	1349	37,8	-143	4,0
Озарбайжон	5117	1611	31,5	2486	48,6	-875	17,0

Гру́зия	4686	1138	24,3	2174	46,4	-1036	22,1
Арманистон	2492	1173	47,1	1026	41,2	+147	5,9
Туркменистон	2141	972	45,4	1224	57,2	-252	11,7
Тожикистон	2904	1025	35,3	1309	45,1	-284	9,7
Ўзбекистон	11938	4978	41,7	6518	54,6	-1540	12,8
Қозоғистон	13009	5359	41,2	5515	42,4	-156	1,2
Қирғизистон	2954	1441	48,8	1577	53,4	-136	4,6

3- Диаграмма



Бу даврда барча миграцияларнинг 85%дан ортиғроғи Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон ҳиссасига тўғри келган. Кўчиб келганлар ҳиссаси Қирғизистон, Арманистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон республикаларида юқори бўлган. Шунингдек, кўчиб кетувчилар ҳиссаси юқори бўлган республикаларга Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон киритиш мумкин. Бу мамлакатларга барча кўчиб кетувчиларнинг 50% дан ортиғини ташкил этади. Демак, бу давр Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистонда аҳоли ҳаракати тарихида миграцион фаоллик энг юқорилиги билан из қолдирган.

Миграция сальдоси энг юқори мусбат кўрсаткичга эга бўлган республикаларга Россия, Украинани киритиш мумкин. Манфий миграция сальдоси юқорилигига кўра, Ўзбекистон (-1540), Грўзия (-1036), Озарбайжон (-875) республикалари ажралиб туради. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўша йиллардаги Грўзия аҳолисининг 22,1%и, Озарбайжон аҳолисининг 17,0%и бошқа республикаларга кўчиб кетишган.

Ер шарида сўнгги вақтда йилига 135-137 млн бола туғилиб, 53-55 млн киши ўлмоқда. Табиий ўсишнинг миқдори 82-84 млн. кишини ташкил қилади. Дунёда туғилишнинг жуда кўп коэффицентлари Африкага регионлар ичида Африканинг барча регионлари ҳамда Марказий Америка ва Ғарбий Осиёга жуда паст коэффицентлари Шимолий Америкага, Европа, Россия ҳиссасига тўғри келади.

Аҳоли сони ва унинг таркибига гўдақлар ўлими ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. Ер шарида 1999 йилда жами 7,8 млн бола бир ёшга етмасдан ўлганлиги қайд этилди. Шундан сал кам 2 миллиони Ҳиндистонга, 631 мингтаси Хитойга тўғри келади. Покистон, Бангладеш, Индонезия, ХХДР, Бразилия, Нигерия, Эфиопия, мамлакатларида ҳозирги вақтда йилига 200-500 минг бола бир ёшга етмасдан ўлмоқда. Афғонистон, Бутан, Гвинея, Либерия, Мозамбик, Чад ва бошқа жами 26 мамлакатда 100 юқори, 42 мамлакатда 50 дан 100 промиллегача бўлган кўрсаткич билан аниқланмоқда. Болалар ўлими мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти даражаси билан тескари алоқага эга. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда болалар ўлими коэффиценти 4-8 промиллега ўзгаради. Ижтимоий-сиёсий вазияти беқарор, иқтисодий қолоқ бўлган мамлакатларда мазкур кўрсаткич одатда 100 дан ортиқ, айрим ҳолларда 50 дан ҳам юқори даражага эгалиги билан ажралиб туради.

Аҳолининг турмуш даражаси ва у билан ўзвий боғлиқ бўлган табиий ҳаракати жараёнлари ҳамда шаклланган ёш таркиби орқали унинг ўртача умр даври аниқланади. Аҳолининг ўртача умр даври 1999 йил 66 ёшга тенг бўлди.

Бу кўрсаткич иқтисодий ривожланган мамлакатларда (Япония, Швеция, Швейцария жами 57 давлат) 77-81 ёшни, қолоқ мамлакатларда 42-60 ёшни

ташкил этади. Ўртача умр даврини энг юқори кўрсаткичлари Японияга (81 ёш), Францияга ва яна 17 мамлакатга 78-79 ёш энг паст кўрсаткичлари Марказий Африка Республикаси (41 ёш), Афғонистон (43 ёш) ва Гвения (44 ёш) мамлакатларига хосдир. Ўзбекистонда ўртача умр даври эркакларда 66 ёшга аёлларда 72 ёшга, ўртача 69 ёшга тенг. Сўнгги кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунё мамлакатлари ичида 101-107 ўринларда жойлашган. Тарихий умр даври атиги 25 ёшга тенг бўлганлигини асослайди. Ўрта асрларда бу кўрсаткич тахминан 30 ёшгача кўтарилди. Мана шу ўртача кўрсаткичлар умр даври юқори бўлган инсонлар мавжудлигини инкор қилмайди.

Шу билан бирга, миграция жараёни аҳоли ҳудудий ҳаракатининг асосий тури бўлиб, инсон билан табиат ўртасидаги алоқадорлик вужудга келгандан буён шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Аҳоли миграцияси буюк географик кашфиётлар давридан бошлаб кенг миқёсда амалга ошмоқда. Миграция ташқи ва ички миграцияга тақсимланади. Мамлакатлар аҳолисининг сони ва таркибига бўладиган таъсири нуктаи назардан ташқи миграцияларнинг аҳамияти бекиёсдир. Ташқи миграция катта ҳажмга эга мамлакатларда, унинг аҳоли сони ва таркибига бўлган таъсири сезиларли оқибатларга олиб келиши мумкин. АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа қатор мамлакатлар тарихда миграция сальдосининг аҳамияти табиий ўсиши, жумладан устун бўлган айрим даврлар кўзатишганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ҳозирги вақтда ҳам мазкур мамлакатларда миграция сальдоси аҳоли сонининг ўсишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Исроил давлатида эса миграция сальдоси аҳоли сони ўсишининг деярли 2/3 қисмини таъминламоқда. Юқоридаги мамлакатлар аҳолининг кўчиб келиши бўйича етакчи ҳисобланса, қатор бошқа мамлакатлар, чунончи, Ирландия аҳолисининг кўчиб келиши бўйича дунёда машҳур бўлиб қолган. Ташқи миграциялар ўзларининг хусусиятлари, сабаблари, ҳудудий қамрови давом этиши бўйича бир-биридан фарқ қилади. Миграция хусусиятлари тўғрисида сўз юритганда, аввалом бор, хоҳишига кўра ва мажбурий миграциялар назарда тутилади. Ташқи миграция асосан иқтисодий сабаблар билан боғланган. Бунда янги ерларни ўзлаштириш

мақсадида ҳамда ишчи кучини шартномалар бўйича бошқа мамлакатларга юбориш билан боғлиқ миграциялар катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Худудий камровига қараб материкларга ва материк ичидаги миграцияларни ажратиш қабул қилинган. Ҳозирги вақтда иккинчи турдаги миграциялар асосий аҳамият касб этади. Давом этиши бўйича доимий вақтинчалик ва мавсумий миграция турлари мавжуд. Шартнома асосида амалга оширилаётган миграциялар вақтинчалик миграциялар деб аталади. Доимий миграциялар уй жойи ва иш жойининг тамомила ўзгариши билан боғлиқ аҳоли кўчишлари билан боғлиқ бўлиб, у миграциялар ичида асосий ўрин эгаллайди. Инсоният хўжалик ва ижтимоий-маданий фаолиятида рўй бераётган интернационаллашув ва демократиялашув жараёнлари, шунингдек, мамлакатлараро, миллатлараро айрим зиддиятлар, тўқнашувлар, ғавқулдда вазиятлар ва табиий офатлар оқибатида аҳоли ҳамда меҳнат ресурсларининг мамлакат ичида мамлакатлараро кенг миқёсда бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши рўй беради. Бўлар бир томондан, жаҳон цивилизациялаш ва халқаро меҳнат бозорлари, турар жой ва иш жой ташлаш учун яратиб берган ҳуқуқ ва имкониятларидан фойдаланувчи кўпчилик миграциялардан иборат бўлса, иккинчи томондан, ўз хоҳиши билан эмас, балки шароит тақозоси билан туғилиб ўсган жойини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар ҳамда зўраки мигрантлардан иборатдир. Айрим тарихий ерларда мигрантлар оқимининг кўлами ҳамда аҳволининг мураккаблигини жуда катта муаммоларни юзага келтиради. Бу муаммоларни ечиш эса кенг миқёсда халқаро ҳамкорликни тақозо этади.

Халқаро меҳнат тақсимооти мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимооти ривожланишининг олий босқичи бўлиб, у бирор бир мамлакатда муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришда барқарор имкониятлари мавжуд бўлишини турлича миқдор ва малакага эга бўлган меҳнат ресурслари бўлишини тақозо этади. Халқаро меҳнат тақсимооти инсон фаолиятининг турларга бўлиниши деб кенг маънода тушуниш, бу соҳада кейинроқ юз берадиган кооперациялаш халқаро меҳнат тақсимоотидан келиб чиққан ҳамда

мамлакатлар ўртасида ўзлари энг юқори самара билан ишлаб чиқарган маҳсулотларини мутассил айирбошлашни инкор этмайди. Ана шундай кооперация икки кўринишда меҳнат тақсимотига кўра ишлаб чиқарилган маҳсулотлари халқаро миқёсда айирбошлаш (халқаро савдо) ёки меҳнат кучларининг давлатлараро кўчиб ўтиши яъни халқаро меҳнат миграциялаш шаклида намоён бўлиши мумкин.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг мамлакатлараро миграциялаш ишчи кучини қабўл қилувчи ва уни четга чиқарувчи мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда даражаларида ҳамда аҳолининг табиий ўсиш суръатларида анчагина тафовутлар мавжуд бўлган чоғда рўй беради. АҚШ, Канада, Австралия каби юқори даражада ривожланган мамлакатлар, Ғарбий Европа мамлакатларнинг кўпчилиги шунингдек, нефтдан катта даромад олиб, иқтисодиёти тез ривожланаётган мамлакатлар (Саудия Арабистони, Баҳрайн, Қувайт, БАА ва бошқ.) иммиграциялаш географик марказлари ҳисобланади.

У бир давлатнинг минтақалари ўртасида рўй берадиган ишчи кучи миграциялашда ва бир неча мамлакатларни қамраб оладиган ташқи миграциядан иборат. Халқаро иқтисодиёт фани ташқи миграция ва унинг сабаблари билан шуғулланади.

Ташқи миграциянинг асосий сабаблари иқтисодий қийинчилик, сиёсий беқарорлик, миллий-диний низо ва урушлардир. Ички миграциянинг сабаблари ҳам шунга ўхшаб кетади ва қуйидагилардан иборат: иқтисодий қийинчилик, мавсумий иш, миллий низолар, урушлар ва бошқалар.

Аҳолининг бир давлатдан иккинчи бир давлатга ва бир давлатнинг ичида бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб юришини бошқариш миграция оқими деб аталади. Миграция оқими мамлакат ёки районлар аҳолисининг сонига сезиларли таъсир этиши мумкин. Инсоният тарихи давомида жуда кўп оммавий ташқи ва ички миграциялар содир бўлган. Буюк географик кашфиётлардан кейин асосий миграция оқими Америка, Австралия ва бошқа янги кашф қилинган ерлар томон бўлган. Оммавий ички миграция давлат

дастури асосида амалга оширилади. Масалан, Мирзачўлнинг Қозоғистон кўриқ ерларининг ўзлаштирилиши ва ҳ.к.

Халқаро ишчи кучи миграцияси бундан бир неча юз йил илгари пайдо бўлган ва шундан буён бу борада жиддий ўзгаришлар рўй берди. Халқаро миграция муаммолари 60-йилларнинг охирида иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ фаол ўрганишни бошлади. Натижада, асосан шундай хулосага келдики, ишчи кучининг халқаро ҳаракати ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида иқтисодий ривожланиши суръатларига таъсир қилади, бу ҳаракатнинг сабаби эса турли мамлакатларда, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси турлича эканлигидан иборат. Ҳар бир киши ўз меҳнатининг энг сўнгги самарасини олади ва истеъмол қилади, деган ақидага асосланувчи неоклассик назария тарафдорларининг эмиграция қабул қилувчи мамлакат фаровонлигини оширишга хизмат қилади, айтиб ўтиш керакки, эмиграциянинг асл ватани бўлган давлатда иқтисодий ривожланиш сақланиб қолади ёки ҳеч бўлмаса пасаймайди.

Неоклассик тарафдорлари ишчи кучини, айтиб ўтиш керакки, юқори малакали ходимларни экспорт қилувчи мамлакатда миграция мумкинлигини эътироф этишади. Шу муносабат билан «ақлий талофот»га солиқ солиш ва ундан келадиган даромадни БМТ ихтиёрига ўтказиб, улардан ривожланиш мақсадларида фойдаланиш ғояси кенг муҳокама этилди. Кейинги йилларда жамлашишга мамлакат иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида қарашлик устун кела бошлади. Жамланган инсон потенциали иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили эканлигидан келиб чиқилса, халқаро мамлакатлар ўртасида иқтисодий ривожланиш борасидаги суръатлар турлича эканлигининг сабабларидан бири ҳам инсон салоҳияти деб ҳисоблаш мумкин. Халқаро мигрантлар асосан 5 тоифага бўлинади:

1. Мамлакатга ошкора киритилган иммигрантлар ва ноиммигрантлар. Кўпдан бери иммигрантларни қабул қилиб келаётган мамлакатлар учун 80-90-йиллар иммиграция юқори поғонага кўтарилган давр бўлди;

2. Шартнома бўйича ишлайдиган хизматчи мигрантлар. 90-йилларнинг охирида бўларнинг сони дунё бўйича 25 млн. кишидан кўпроқ эди. Кўпинча мамлакатлар чет эл ишчи кучига мухтожлик сезади. Бу ҳолларда ишчи кучи сероб бўлган мамлакатлар: масалан, Осиёнинг баъзи минтақалари, яъни шарқдаги қатор мамлакатлар билан шундай шартномалар ҳақида келишиб олишади;

3. Яширинча келган иммигрантлар. 90-йилларнинг охирида бўларнинг сони 30 млн. кишидан ортиқ эди. Деярли барча саноат ривожланган мамлакатларда яширин иммигрантлар мавжуд. Уларнинг бир қисми чегара орқали ўтса, бошқалари виза муддати тугагандан кейин бегона мамлакатдан чиқиб кетмайди: бундайлар одатда, энг кам иш ҳақи тўланадиган иш жойларига ёлланадилар.

4. Бошпана сўраган шахслар. Бундай тоифадаги мигрантлар сони 80-йилларгача жуда оз бўлиб, кейинчалик анча кўпайди. 90-йиллар охирига келиб, 1млн кишини ташкил этди. Шахслар сиёсий сабабларга кўра, иқтисодий аҳвол туфайли бошпана сўрайди.

5. Қочоқлар. БМТ маълумотига кўра, 90-йиллар охирига келиб, дунёда қочоқлар сони 22 млн. дан кўпроқни ташкил этган (бўлардан қарийб 4 млн. киши ўз ватанига қайтиб келган бўлса ҳам БМТ ҳомийлигида яшайди). Қочоқларнинг кўпчилиги бугунги кунда махсус лагерларда истиқомат қилади. Бу лагерлар БМТ ёки хусусий агентликлар ҳомийлигидадир. Маълумотларга қараганда, ортиғи бир фоиздан камгинаси ривожланган ғарб мамлакатларидан бошпана топган.

II.Боб. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда демографик вазият

2.1. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси таркибий хусусиятлари

БМТ томонидан 2010 йил ноябр ойидаги маълумотига қараганда ривожланиш кўрсаткичи қўйидагича шархланган унга кўра

1. Ривожланган давлат (худуд)ларга Европа, Шимолий Америка, Австралия, Янги Зилландия, Япония, назарда тутилди.

2. Ривожланаётган давлатларга эса қолган давлатлар

3. Энг кам ривожланган давлатлар руйхати 49 та давлат асосланган Асосий асасбия томонидан энг кам ривожланган давлат Афғонистонга қараб Ангола, Бангладеш, Бенин, Бутан, Буркина Фасо, Бринди, Камбожа, Марказий Африка Республикаси, Чад, Коморос, Кого Демократик Республикаси, Жибути, Экваториал Гвинея, Эритрея, Эфиопия, Замбия, Гвинея, Гвинея-Бисау, Гаити, Кирибати, Лаос Демократик Респудликаси, Лесото, Либерия, Мадагаскар, Малави, Маврикий, Мали, Мавритания, Мозамбик, Мьянма, Непал, Нигер, Руанда, Самоа, Сао-Томи ва Принсипи, Сенегал, Сьерра-Леоне, Соломон Исланд, Самали, Судан, Шарқий Тимор, Того, Тувалу, Уганда, Танзания, Вануату, Замбия.

Бу маълумот БМТ Ривожланган ва ривожланаётган кўрсатиш учун эмас статистикада бу жумлалар ишлатилди деб талқин қилади.

Дунё худудларининг демографик ривожланишида аҳолининг жинсий ва ёш таркиби асосий омил ҳисобланади, чунки жинсий мутаносиблик никоҳга киришга, янги оилалар шаклланишига, авлодлар давомийлигига имконият яратади.

Аҳолининг жинсий таркиби уч асосий омил таъсирида шаклланади: янги туғилганлардаги жинсий нисбат; улимдаги жинсий фарқ, аҳоли миграциясидаги жинсий фарқ

Ҳар бир ҳудуд ёки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши аҳолининг ёш таркибига боғлиқдир. Аҳоли ёш гуруҳлари ва демографик жараёнлар ўзаро ўзвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Аҳоли таркибида ёшлар (16-29 ёш) салмоғининг юқорилиги никоҳ ва туғилиш жараёнларига ижобий таъсир этади, болалар (0-14 ёш) салмоғининг кўплиги эса меҳнат ресурслари шаклланишида муҳим омилдир. Шунингдек, аҳолининг жинсий ва ёш таркиби қатор ижтимоий-иқтисодий дастурлар тўзишда (меҳнат ресурсларини мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларни, нафакадагиларни ҳисобланганда ижтимоим ҳимоя гуруҳдарини ҳк.) асос бўлиб хизмат қилади. Г Аҳолининг жинсий таркиби. Статистик маълумотлар ва илки адабиётларда қайд этилишича, дунё бўйича қиз болаларга нисбатан уғил болалар кўпроқ туғилар экан. Маълумотлар кўрсатишича, дунёда ҳар 100 та қиз болага туғилган уғил болалар 104-107 ни ташкил этади. Уғил болалар салмоғининг қиз болаларга нисбатан юқорилиги куп ҳолларда 15-20 ёшларга қадар (кўтариб боради. Асосан, 20-24 ёшларда жинслар нисбатан генида. Ундан кейин эса аста-секин жами аҳоли таркибидаги эрқларга қараганда аёллар салмоғи ортиб боради. Бу ҳол қатор руллар билан боғлиқдир. Уларга болалик даврида уғил болаларга нисбатан кўпроқ ҳасталаниши. бахтсиз ҳодисалар ва уларнинг ўзига ҳос турмуш тарзи қабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, эркакларнинг куп қисми ёшлик ва урта ёшлик даврида меҳнат билан машғул бўлиб, инсон саломатлиги учун зарарли (алкоголизм, чекиш каби одатлар билан шуғулланадилар юқорида келтирилган турмуш тарзига ҳос омиллар ҳамда халқлар орасида, давлатлар орасида руй бериб турадиган урушлар эркакларнинг ҳаётдан барвақт кўз юмишига олиб келади. Шундай вазиятда аҳоли жинсий таркибининг шаклланиши дунё ҳудудларининг ҳар бирида ўзига ҳос хусусиятга эгадир. Ушбу хусусиятлар, юқорида қайд этилганидек, ана шу ҳудуднинг ижтимоий иқтисодай шароитлари билан ифодаланади.

2.2. Дунё мамлакатларда аҳолининг такрор барпо бўлиши ва демографик сиёсат

Жамияда инсонларнинг купайиб, янгиланиб туришин таъминловчи туғилиш, улим ва табиий усиш жараёнларининг йиғиндиси аҳолининг такрор барпо бўлиши дейилади. Аслида туғилиш, улим, табиий усиш асосан биологик жараёнлар бўлсада, лекин улар қатор ижтимоий, иқтисодий, табиий-биологик ва демографик омиллар таъсирида шаклланади. Мазкур омилларнинг ҳар бири ўз навбатида ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини камраб олади.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар: ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусиятлари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, аҳолининг турмуш тарзи, маълумотлилик ва маданият даражаси, аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тутган урни, бандлиги, дин, урф-одат ва қадриятлар.

Табиий-биологик омиллар: табиий шароит, табиий офатлар, эркак ва аёл организмнинг ташқи муҳитга мослашиш даражаси, иқлим ва унинг жинсий етукликка, фарзанд куриш даврига, турли эпидемия ва касалликларга таъсири.

Демографик омиллар: аҳолининг ёш-жинсий таркиби, никоҳ ва ажралиш жараёнлари. Агар аҳоли таркибида ёшлар салмоғи юқори ва жинсий мутаносиблик бўлса, никоҳга кириш, яъни оилалар пайдо бўлиши учун демографик имконият мавжуддир. Бу ҳол, ўз навбатида туғилишга ижобий таъсир этади. Аксинча, аҳоли таркибида қариялар салмоғи юқори бўлса, туғилиш камайиб, улим ҳоллари купаяди.³

Аҳоли такрор барпо бўлишининг икки тури мавжуд:

I тур - аҳоли такрор барпо бўлишининг кискарган тури. Бу турдаги авлодлар алмашинуви жараёнида аҳоли сони купаймайди, чуяки туғилганларга нисбатан улганлар сони юқори бўлади.

II тур - аҳоли такрор барпо бўлишининг кенгайган тури, бундай аксинча, тугалганлар сони улганлар сонидан юқори бўлади ва натижада кейинги авлод вакиллариининг сони олдинги авлод вакиллари сонидан куп бўлади. Бундай ҳолда аҳоли мунтазам купайиб боради.

³ Капълов В. А. География населения. М., 1999. С. 24.

Жамиятда авлодлар алмашинуви, аҳоли сонидаги ўзгаришлар туғилиш ва улим жараёнларига бевосита боғлиқдир. Туғилиш ва улимнинг ўзаро фарқи эса аҳолининг табиий усишини белгилайди.

Юқорида кайд этилганидек, кейинги 20-30 йил давомида дунё аҳолисининг купайиш суръати анчагина секинлашди. Бу жараённинг асосий сабаби сайёрамиздаги қатор давлатларда туғилишнинг камайиб боришидир ва у тарихий жараён бўлиб, ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий таққийёт даражаси билан боғлиқ. Маълумки, инсоният ўз таққийёти давомида бир неча ижтимоий-иқтисодий босқичларни босиб утган.

Туғилиш даражаси жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳам бир хил бўлавермаган. Капиталистам формациягача мавжуд бўлган даврларда туғилиш биологик характерга эга бўлган, яъни чекланмаган. Купболалик ҳолати жамият томонидан қувватланган. Буни ҳозирги жамият таққийёти босқичида яшаб тасаввур қилиш кийин. Масаланинг туб моҳиятига назар ташланса, бу утмиш замонлардаги ижтимоий-иқтисодий таққийёт билан бевосита боғлиқдир. Қулдорлик даврида ҳам, феодализмда ҳам купболаликдан ҳар бир оила ва шу билан бирга жамият ҳам манфаатдор эди. Нега шундай Энг аввал оилада боланинг иқтисодий урни нисбатан юқори эди. Купгина мамлакатларда оила юмушларида, хунаромандчиликда, дехқончиликда ва чорвачиликда болалар мезҳнатида фойдаланилган. Оилада иқтисодий даромаднинг бир қисми бевосита болаларнинг меҳнати орқали яратилган. Демак, бола меҳнати миллий даромаднинг маълум улушини ташкил этгани сабабли, у жамият томонидан қуллаб-қувватланган. Хатто, баъзи Давлатларда, масалан, Россияда дехқонларга ишлаш учун бериладиган ер ҳам болалар сонига қараб тақсимланарди. Бундай шароит-хуриш ва фарзанд тўғишда иқтисодий тараққийёт бўлмайди. Шундай ҳолатлар ҳам туғилишнинг камайиб кетишга олиб келади. Умуман олганда, капиталистик муносабатларнинг кенг тарқалиши ва ривожланиши оналарнинг фарзандларга бўлган ҳам иқтисодий, ҳам маънавий эҳтиёжини пасайтириб юборади. Фикримизнинг далили сифатида ривожланган

капиталистик давлатлардан бори АҚШ оилаларидаги туғилиш курсаткичларига мурожаат қилиш. Агар 1950 йил хар бир Америк оиларига. 4 уртача 3-4 тадан бола туғилган бўлса, 1970 йил бу курсагкич 3 тага камайди. Кейинги вақтларда АҚШда фарзандсиз оилалар; купайиб бормоқда. Бу давлатда утказилган тадқиқотлар курсатишича, купчилик оилаларда фақат биттадан фарзанд бўлган, уларнинг 44 % кутилмаганда, 15% эса хохламаган холда туғилган экан. Мутахассислар бу ахволни "Америка оиласида крироз" дея аташмоқда. Бу инкироз Америка Қушма Штатлари учун муаммоми, йукми? У ни шу давлат аҳолисининг тараққиёт тарихидан келиб чиқиб аниқламоқ лозим.

Шундай қилиб, биз юқорида жаҳон мамлакатлари оилаларида туғилиш жараёндаги ўзгаршилар билан танишиб чиқдек. Маълум бўлдики, хозирги пантда ер юзаси халкларнинг туғилиш жараёни бир хил эмас экан. Бир тоифа мамлакатлар оилаларни туғлиши жуда камайиб кетган бўлса, иккинчи хилида жуда юқори. Бу хол юқорида айтишганларидек, турли ижтимоий-иқтисодий|омиллар билан боғлиқ.

Дунё аҳолиси сонининг ўзгаришида улим ҳам асосий омили ҳисобланади. Аҳоли улими жамият ривожланиши давомида катта ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида содир бўлиб келган. Моддий шарт-шароитларнинг яхшиланиб бориши холларининг камайишига, акси эса купайишига сабаб булди. Соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши, аҳолига тиббий хизмат курсатиш даражасининг ошиб бориши ҳам улимга бевосита таъсир этувчи омиллар дандир. Шунингдек, туғилиш биологик имконият даражасида бўлганда, купболалик анъаналари ривожланган даврларда туғилган фарзандлар орасидаги давр, муддат қиска бўлган холларда ҳам гудаклар, оналар ўлими юқори бўлади.

XX аср 50-йилларига қадар дунёнинг барча худудларида ҳам улим юқори даражада эди. Ушбу даврга қадар аҳоли улимида купроқ экзоген (ташқи мухит таъсиридаги омиллар: урушлар, эпидемиялар, бахтсиз ходисалар, табиий офатлар) омиллар сабаб бўлган. Аҳолининг жуда куп

қисми, айниқса Осиё, Африка ҳудудларида юқумли инфекцион касалликлардан болалик даврида кўз юмишган. Қадимда ер шарида гудаклар ва аёллар улими айниқса, юқори бўлган. Купчилик аёллар фарзанд кўриш давларида турли касалликлар айниқса, қон йукотиш туфайли халок бўлганлар. Марказий Осиё давлатларида XIX аср охири - XX аср бошларида ҳар 1000 та туғилган чақалоқлардан бир ёшгача бўлган даврда 300-400 таси, баъзи даврларда эса 500-600 таси нобуд бўлган. Қадимда аҳоли улимнинг юқорилиги, қайд этилганидек, аҳолининг турмуш даражасига, тиббий хизматларнинг етишмаслигига, аҳолининг маълумотлик даражасининг пастлигига, фарзандлар туғилишининг юқорилиги ва фарзандлар туғилиши орасидаги даврнинг нисбатан қисқалиги каби омиллар билан боғлиқ эди.

Умуман, сайёрамиз аҳолисида оилалар фарзандлар сони уфточа 4.1 дайд то 7,0 гача, баъзи ҳолларда эса ундан ҳам юқори бўлган. Туғилиши энг юқори саналган давлатларда; Афғонистон, Гвинея-Бисау ва Нигер бўлиб, уларда туғилишнинг йиғинди коэффициент 7.1-7,7 ни ва Яманда 6,7 ни. Мали ва Канада 6,2 н.ч ташкат этади. Ушбу давлатлардаги оилаларда туғилиш даражасининг бундай юқори бўлишига олиб келувчи омиллар мавжуддир.

Таъкидлаб утиш лозимки туғилиш даражасининг демографик оқибатларни келтириб чиқарди. Жумладан аҳолининг сони тез купая бориб, куплаб янги оилалар вужудга келади. Аҳоли таркибида болалар сони юқори бўлади. Бу демографик оқибатлар эса ўз урнида қатор ижтимоии-иқтисодий муаммоларга сабаб бўлади.

Туғилиши юқори бўлган давлатларда кейинги 15-20 йил ичида аҳоли сони йилига 2,5-3,2 фоиздан купайиб бормокда. Бугунги кунда 40 дан ортик давлатда туғилишнинг йиғинди коэффициент 4,1-7.5 ташкил этмокда. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки кейинги 10 йил ичида дунёдаги туғилиш юқори бўлган давлатлар сони камайди. 1989 йили бундай давлатлар гони 79 ни ташкил этган бўлса. 2005 йили уларнинг сони 27 тага камайди. Агар 1989 йили ушбу давлатларда истиқомат этувчи аҳоли салмоғи дунё аҳолисининг

23 фоизини ташкил этган бўлса, 200 йил га келиб, бу курсаткич деярли 14 фоизни ташкил этди.

Иккинчи гуруҳ - оилада туғилиш даражаси ўртача ушбу давлатларда туғилишнинг йиғинди коэффцинти; 1-4.0 ни ташкил этади. 1989-2005 йилларда дунёда туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар сони 44 тадан 57 тага етди.

Туғилиш даражаси ўртача бўлган гуруҳда истиқомат этувчи аҳоли 2005 йилда дунё аҳолисининг 37,0 фоизини ташкил этди. Мазкур давлатларда туғилишнинг бундай даражада бўлиши уларнинг тарихан таркиб топиб келган ижтимоий-иқтисодий омиллари билан боғлиқдир. Туғилиш даражаси ўртача бўлган жойларда аҳолининг узиш суръат бир текис сақланиб туради. Уларда аҳолининг кескин купайиб кетиши ёки камайиб кетиши ҳоллари купшмайди. Аҳоли таққиётини бошқариш, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги муаммоларни ҳал этиш бирмунча енгил кечади.

Учинчи гуруҳ - туғилиш даражаси паст бўлган давлатлар. Бу давлатларда аҳоли 0,7-0.9 фоизга купайиб боради. Оилаларнинг аксарият қисмида 1 ёки 2 тадан бола бор, ҳолос. Таъкидлаш лозимки, 1989-2005 йилларда туғилиш даражаси кам бўлган давлатлар сони 32 тадан 71 тага купайди ёки 2 баробардан зиёд узиш. Ҳозирги даврда ушбу давлатларда дунё аҳолисининг деярли ярми истиқомат этмоқда. Демак, XXI аср бошларига келиб, дунё аҳолисининг деярли ярми кам болали оилаларда истиқомат этмоқдалар. Сунгги гуруҳ давлатларида истиқомат этувчи оилаларда туғилишнинг бундай камайиб кетиши, биринчи навбатда, капиталистик муносабатлар кенг тарқалиши билан боғлиқдир. Таъкидлаб утганимиздек, капиталистик ишлаб чиқариш шароитида саноат ривожланиб, шаҳарлар сонининг узиши ва шаҳар тарзининг кенг тарқалиши учинчи гуруҳга мансуб давлатларда туғилишнинг қисқаришига олиб келди. Айниқса, аҳолининг асосни шаҳарларда яшовчи Европа мамлакатларида туғилиш жуда камайиб кетган.

Ушбу гуруҳ давлатларида ҳозирги даврда туғилиш даражасининг камайиб кетишига олиб келган навбатдаги омил аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ёлланма ишларда кўпроқ қатнашишидир. Иқтисодий ривожланган давлатларда туғилишнинг камайишига олиб келган омиллардан яна бири, оиланинг бўзилиши, яъни никоҳдан чиқиш ҳолларининг нихоятда кўплигидир. Юқорида қайд этилганидек, никоҳнинг қисқа вақт давом этиши оилада бола сонининг ўз-ўзидан камайишига олиб келади. Бундан ташқари, барча иқтисодий тараққий этган давлатлар қатори, Шимолий Америкада ҳам фан-техника ривожланиб, ишлаб чиқариш соҳаларига кириб бориши натижасида аҳолининг таркиби тобора кўпайиб бормоқда.

Баъзи жойларда давлат томонидан олиб бориладиган туғилишни чеклашга қаратилган демографик сиёсат ҳам туғилишнинг камайишига олиб келмоқда. Буни Осиёнинг энг йирик давлатлари - Хитой ва Хиндистон мисолида куришимиз мумкин.

Хитойда шаҳридаги болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. 1970 йиллардан бошлаб, аҳоли уртасида туғилиши камайтириш учун қатор тадбирлар қўллана бошланди, натижада Хитойда туғилиш кескин камайди. БМТ маълумотларига қараганда 1970-1974 йил ҳар бир аёл ўзининг фарзанд куриш даврида уртача 4,8 фарзанд кўрган бўлса, 1986-1990 йилларда 2,1, 2005 йили 1,7 тадан фарзанд куришган.

Хиндистонда ҳам туғилиш давлат томонидан назорат қилинади, Оилада болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. Бу мавзулар юзасидан бир қанча ташкилотлар махсус тадқиқот олиб борадилар. Улар жумласига оилани режалаштириш ассоциацияси, Хиндистон тиббиёт ассоциацияси, Хиндистон қизил ярим ой жамияти каби ташкилотлар қиради. Хиндистонда туғилишнинг камайишига аҳоли саводлилиқ даражасининг ошиши ҳам таъсир этмоқда. Масалан, 1971 йили Хиндистон аҳолисининг 29,4 % саводли эди. Ҳозирги даврда 40 % дан юқори аҳоли саводлидир.

Туғилишни назорат қилиш ҳамда халқнинг савод даражасини кўтариш, тиббиётни ривожлантириш натижасида Хиндистон давлати туғилишни анча

камайтиришга эришган. Масалан, 1970-2005 йилларда ҳар бир аёл ўз умри давомида кўрган фарзандлари сони 5,4 дан 2,9 гача камайди.

Маълумки, Осиё аҳолисининг 70 % дан купроғини Хитой ва Хиндистон аҳолиси ташкил этади. Шунинг учун Хитой ва Хиндистонда туғилишнинг нисбатан камайиши бутун Осиё бўйича туғилиш курсаткичига таъсир қилди. 1970-2005 йилларда туғилиш Осиёда деярли 2 баробар камайди ва туғилишнинг йиғинди коэффиценти 2005 йилда 2,4 ни ташкил этди.

Мазкур даврда туғилишнинг йиғинди коэффицента Европада 2,1дан 1,4 га, Океанияда 3,1 дан 2,2 га, Африкада 6,5 дан 4,8 га камайган.

Туғилишнинг бу тарзда камайиб бориши Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия давлатларида ҳам кўзатилади. 1970 йилда умумий коэффицента Россияда 14,6 %, Украинада 15,2 %- Белоруссияда 16,2 %о ва Молдавияда 19,0 %о бўлган таразда бу кўрсаткич Россия ва Белоруссияда 9,1 Украинада 8 %о, Молдавияда 11 %о ни ташкил этди. Болтиқбун. Кавказорти ва Марказий Осиё республикаларида ҳам кейинги 30-40 йга ичида туғилиш кескин камайганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шундай қилиб, сайёрамизда истиқомат қилувчи аксарият халқларда XX аср иккинчи ярмидан бошдаб, туғилиш кескин камая бошлади. Дунёдаги давлатларни туғилганнинг бугунги ҳолатига қараб шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин

Маълумки туғилишнинг йиғинди коэффицент 2,1 дан паст бўлса, туғилиш даражаси паст саналади, 2,1-4,0 бўлса, туғилиш даражаси уртача бўлади, 4,1 ва ундан юқори бўлса, туғилиш даражаси юқори ҳисобланади. Ушбу демографик мезонга асосан дунё давлатларини туғилиш ҳолати бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ, - туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлар: Африка давлатлари (МСР, Тунис, Морис ва Сейшел ороллари), Осиё ва Жанубий Америкадаги қатор давлатлар ҳамда ҳар бир оила болалар сони купайганидан манфаатди, бўлган.

Капиталистик ишлаб чиқариш усулининг вужудга келиши билан саноат тез ривожлана бошлади, янги-янги шаҳарлар пайдо бўлди. Кўпчилик аҳоли иш қидириб. Қишлоқдан шаҳарга кучиб кела бошлади. Шаҳар аҳолисининг ушиб бориши натижасида бир томондан, шаҳарларда тураржой, озиқ-овқат муаммолари келиб чиққан бўлса, иккинчи томондан. Фан-техника тақид; этиб, ишсизлар вужудга келди. Учинчидан. капиталистик ишлаб чиқаришда: аёллар ва болалар меҳнатига жуда кам ҳақ туланар эди. Жамиятда бундай ўзгаришлар оилада болалар сонини чеклашга, туғилиши қисқаришга олиб келди. Аҳолисининг асосий қисми шаҳарларда яшовчи Европа мамлакатларида туғилиш айниқса камайиб кетди. Масалан, Англия да 1850 йилларда аҳолининг 50 % шаҳарларда яшаган ва ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони уртача 32,6 %о ни ташкил қилган бўлса, ҳозирги аҳолининг 80 % га шаҳарларда яшайди ва ҳар минг кишига нисбатан тушган болалар сони 10 тани, яъни 10 промиллени ташкил қилади. Масалан Франция олиб қарайдиган бўлсак, бу мамлакатда 1850 йилдан то ҳозиргача шаҳар аҳолиси 25,5 % дан 74 % га кўпайди. Ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони эса 26,2 дан 13,7 гача (ёки 26,2 %о дан 13,7 %о гача) камайди. Германияда эса, аҳолининг 94 % шаҳарларда истиқомат қилади. туғилиш кўрсаткичи 9 %о ни ташкил этади ҳолос ва дунёда туғилиш энг кам давлатлардан ҳисобланади.

Ер юзиде туғилишнинг камайиши жараёни, асосан, XVIII аср нинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа давлатларида бошланиб, кейинчалик бу қитъанинг бошқа мамлакатларига, ундан сунг эса АҚШ, Канада, Австралия ва Японияга тарқалди. Айниқса, иқтисодий жихатдан тараққий этган давлатларда туғилиш тез камая бошлади. Ушбу давлатларда 1750-1800 йилларда ҳар минг киши ҳисобига 35-38 та бола туғилган бўлса, 1970-1990 йилларда бу кўрсаткич 15-16 ни, 2005 йилда эса 9-10 тани ташкил қилди. Бошқача қилиб айтганда, туғилиш 3 мартадан кўпроқ қисқарган. Энди ана шу давлатлар билан ривожланаётган мамлакатлардаги туғилишни қийинлашдирган бўлсак, бошқача аҳолининг гувоҳи бўламиз. Уларда 1750-1790 йилларда

минг киши ҳисобига 40-42 тадан бола туғилган ва 1970-1990 йилларда эса ҳар 1000 киши ҳисобига туғилган бола 30-34, 2005 йили эса 20-25 тани ташкил қилган. Демак, ривожланаётган давлатларда туғилишнинг камайиши нисбатан олиб Қараганда анча секин борган. Ҳозирги даврда туғилиш ер юзи бўйлаб бир хил эмас.

Сайёрамизда туғилишнинг ҳудудлар бўйлаб фарқ қилиши, аввало, маълум давлат аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражаси, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги ҳамда шу давлат халқининг асрлар давомида шаклланиб, сақланиб келаётган миллий урф-одатлари ва дини билан боғлиқ. Бўлардан ташқари, туғилишга аҳолининг жинс ва ёш бўйича тақсимланиши, никоҳдан утиш ва ажралиши каби демографик омиллар, психологик омиллар, тиббиётнинг ривожланиши ҳамда ҳар бир давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсат ҳам таъсир қилади.

Юқорида қайд этилганидек, умуман, статистик маълумотларга Қараганда, кейинги 20-25 йил ичида дунёнинг деярли ҳамма туғилишнинг камайиб бориши кўзатилмоқда.

Ҳозирги даврда АҚШда ҳар йили қайд этилган никоҳларнинг деярли ярми ўзилганлиги маълум. Табиий ҳолки, никоҳнинг қисқа вақт давом этиши оилада бола сонининг ўз-ўзини камайишига олиб келади. Бундан ташқари, ишсизлар сонининг ортиб бориши ва эртанги кунга ишончсизлик билан қараш қабилар ҳам туғилишни камайтиради.

улим жараёни XX аср иккинчи ярми - XXI аср бошларида 2. 2,5 марта камайган. Ҳозирги даврда улимга эндоген омиллар (орга. низмнинг қариши ва унинг касалланиши туфайли сод!ф бўлган им. ки муҳит омиллари). Бу ҳод, албатта, жамиятнинг ижтимоий. иқтисодий ривожланиши, турмуш тарзининг яхшиланиши, аҳоли тиббий хизмат курсатишнинг ошиб бориши билан боғлиқ. Лекин Европа давлатларида аҳоли улим курсаткичларининг бирмунча кутарилишига демографик омил, яъни аҳоли таркибида қариялар (60-65 ёш ва ундан юқори) салмоғининг ортиб бориши таъсир қилган.

Маълумки, аҳоли улимнинг умумий коэффициента аҳолининг ёш таркибига бевосита боғлиқ. Агар аҳоли таркибида болалар (1- 14 ёш) ва ёшлар (16-29 ёш) салмоғи юқори бўлса, улим коэффициента камаяди. Дунёнинг жуда куп давлатларда XX аср бошларида аҳоли уртача 35-40 йил умр курган бўлса, хозирги вақтда уртача 63- 68 ёш умр куриши кўзатилади. Европада эса бу курсаткич 70-79 га етди. Мазкур худудда туғилишнинг кескин камайиши аҳоли таркибида болалар ва ёшлар салмоғининг кескин камайишига олиб келган бўлса, аҳолининг умр куриш муддатини ўзайганлиги қариялар салмоғининг ошиб боришига олиб келди. Натижада Европада улим курсаткичлари кутарилди.

Аҳоли улимнинг умумий коэффициента буйича энг юқори курсаткич (2004 й.) ривожланаётган давлатларда (Сьерра-Леоне - 29 %, Ботсвана - 26%, Мозамбик - 23 %), энг паст курсаткич рл- вожланган давлатлар ва шу билан бирга қатор ривожланаётган давлатларда кўзатилди (АҚШ ва Японияда - 8 %, Австрия ва Францияда - 9 %, Жазоир, Коста-Рикада - 4 %, Панама, Гондурас, Никарагуа ва Мексикада - 5 %). Ушбу курсаткичлар аҳоли улимнинг умумий коэффициентига аҳоли ёш таркибининг бевосита таъсири- ни яккол ифодалайди.

Аҳоли улими буйича аник маълумотларни, аҳолининг турли ёш гурухдари буйича алохида ҳисобланган умумий коэффициентлари ҳамда аҳолининг кутилаётган уртача умр куриш курсаткичлари орқали аниклаш мақсадга мувофивдир.

Кутилаётган уртача умр куриш муддати янги туғилганлар учун ҳисобланади. Бу ҳолда туғилган болаларни улғайиб боришида ёки ёш гурухидан иккинчи ёш гурухига утишда шу ёки гурухларида урганилаётган даврдаги улим ҳолати ҳисобга олинади. Олинган натижа аҳоли уртача умр куриш муддатини назар бўлиб хизмат қилади. Масалан, Россияда 1993 йил уғил болалар учун гудаклар улими 20,0 %о эди. Демак, туғилган 1000 та боладан 20 таси 1 ёшгача яшамайди. Икки ёшли уғил болалар- да эса шу йили улим эҳтимоли 6 кишини ташкил этган. Куришиб турибдики, 1000 та

туғилган боладан 1 ёшга 980 таси, 2 ёшга эса 974 таси утди. Ана шундай усул билан авлоднинг охиригача умр куриш эхтимоли ҳисоблаб чиқилади Юқорида кайд этилганидек, олдинги асрда аҳоли уртача 30-35 йил умр курган. Ҳозир эса бу курсаткич икки баробарга ошган. 2005 йилда аҳоли умр куриши буйича энг паст курсаткичлар Марказий ва Жанубий Африка давлатларида кўзатилмовда (эркаклар 42-44, аёллар 45-46 ёш).

Ҳозир саноати ривожланган мамлакатларда (иммиграцияни ҳисобга олмаганда) аҳолининг кўпайиши нолга, ёки манфий қийматга тенг бўлмоқда. Бу ходисани демографик ўтиш назарияси изохлайди, унга кўра даромадлар ошиши ва аёллар эмансипациясидан тортиб, бола туғилишига муносабат ўзгаришигача — қатор ижтимоий омиллар туфайли муайян даврда Ер курраси аҳолисининг сони кўпайиши тўхтайди. Инсоният юқори даражалардаги туғилиш ва ўлимдан паст даражалардаги туғилиш ва умр ўзунлигига ўтади. Ҳозирги вақтга келиб, бу жараён ривожланган мамлакатларда тугалланди ва эндиликда ривожланаётган мамлакатларда кечмоқда. Демографик омилнинг ўзгариб бориши глобал муаммо бўлиб, у кўп жиҳатдан жамиятнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди. Меҳнат иқтисодиёти меҳнат муносабатларининг қатнашчиси бўлган аҳоли қисмига алоҳида эътибор беради.

Олимларнинг ҳисоблашларича, яқин ярим аср ичида сайёрамиз аҳолиси сони қарийб икки барабар ошганидан кейин, туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари барча мамлакатларда умуман тенглашади. Демографик ўсиш назарияси гўё инсониятга ресурслар етмай қолиши мумкинлиги тўғрисидаги ваҳимали башоратларни рад этади. Овқатланиш бўйича халқаро ташкилотнинг маълумотларига қараганда, мавжуд ресурслар билиб ишлатилса, 20—25 млрд одамни боқишга бемалол етади. Яъни, олимларнинг ҳисобларига кўра, улар сайёрамизда яшайдиган одамларнинг энг кўп миқдоридан ҳам кўпроқ миқдордаги одамларни боқишга етарлидир.

Ер курраси аҳолиси ҳозирги кунда жуда ёш, айниқса ривожланаётган давлатларда ва бундай ёш таркиби меҳнатга лаёқатли бўлмаган аҳолини

боқиш сезиларли даражада иқтисодий харажатларни талаб қилади. Масалан, 15 ёшгача бўлган болалар ривожланаётган мамлакатларда умумий аҳолининг тахминан 40%, ривожланган давлатларда эса 21% ташкил қилади. Шунинг учун ривожланаётган давлатлардаги ишлаётганлар ривожланган давлатлардагига қараганда икки баробар кўпроқ болани таъминлашлари керак. Ҳозирги кунда Швеция ва Буюк Британия аҳолисининг тахминан 65 % меҳнатга лаёқатлиларни ташкил қилади: ишлаётганлар Швецияда 18% ва Буюк Британияда 19% аҳолини-меҳнатга лаёқатли бўлмаган ёшларни қўллаб-қувватлаши керак. Бу мамлакатларда асосий муаммолар табиий ўсиш даражасининг пастлиги ва 65 ёшдан юқори бўлган қариялар билан боғлиқ бўлиб, улар аҳолининг 16-18% ташкил қилади.

2050 йилга бориб Италия, Япония, Россия каби мамлакатлар аҳолиси қисқаради, Буюк Британия аҳолиси ҳозирги даражада қолади. Мали, Саудия Арабистони ва Нигерияда шу давр ичида аҳоли сони 3 баравар, Миср ва Кенияда 2 баравар ошади. БМТ мутахассислари ривожланган мамлакатларнинг аҳолиси умуман 2050 йилга бориб 1,8 млрд кишидан 1,16 млрд кишигача қисқаради, ривожланаётган мамлакатларнинг аҳолиси эса 4,57 млрд кишидан 8,2 млрд кишигача кўпаяди деб ҳисобламоқдалар.

Барча замонавий демографик жараёнлар орасида аҳоли кексайиши жараёни жунроқ ўлчанадиган, тахминлар қилиниши қулайроқ ва аслида, ўз оқибатларига кўра хавфлироқ бўлган жараёндир. Шундай бўлса-да, у энг кам тадқиқ қилинган жараёнлардан бири эканлигича қолмоқда. Демографларнинг фикрича, мамлакат аҳолиси ундаги ёши қайтган шахслар улуши 7—8 %дан ошган тақдирда кексайган ҳисобланади. Ғарбдаги иқтисодий ривожланган давлатларнинг кўпчилигида 65 ёшли ва ундан каттароқ ёшдагиларни, баъзи мамлакатларда эса 60 ёшдан ошганларни ёши қайтганлар тоифасига киритиш қабўл қилинган.

Аҳолининг кексайиши Францияда XVIII асрнинг охирларида бошланиб, кейинчалик аста-секин барча ривожланган мамлакатларга тарқалган. Лекин

авваллари ҳеч қачон ёши қайтган одамларнинг улуши ҳозиргидек тез ва кўламдор ошмаган. 2006 йилда ёши қайтган кишилар улуши Германияда 15,0 %, Англияда 16 %, Францияда 15 %, АҚШда 13 %, Японияда 13 % ни ташкил этди.

Аҳоли кексايишининг сабаби икки хилдир. Бир томондан, бу туғилиш камайиши бўлиб, бунинг оқибатида болалар ва ёшлар улуши қисқаради. Иккинчи томондан, бу умр ўзунлигининг ошишидир.

Аҳолининг кексايиши бир қатор иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. Биринчидан, ёши кекса одамлар улушининг ошиши ўз навбатида аҳолининг иқтисодий фаоллиги пасайишига олиб келади. Одамнинг ёши қанчалик катта бўлса, махсулдорлиги шунчалик паст бўлади, деб ҳисобланади.

Иккинчидан, аҳолининг кексايиши иқтисодиётда ёшлар улуши камайишини англатади, бу эса, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, иш билан банд аҳоли касб-малака ва тармоқ таркибининг ўзгариши жараёни ва, бинобарин, иқтисодиёт самарадорлиги ошишини секинлаштиради. Иқтисодий самарадорлик ошишининг секинлашиши аҳоли ҳаракатчанлигининг пасайиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Учинчидан, пенсия фондлари зиммасига пенсиялар тўлаш харажатларининг бениҳоя оғир юки тушади, зеро, пенсионерлар улуши кўпайиши билан бир йўла пенсия фондларига маблағ тўлаб борадиган ишга қобилиятли аҳоли салмоғи қисқаради.

Тўртинчидан, ночор қарияларга ёрдам кўрсатиши лозим бўлган давлат ижтимоий хизматларига иш кўпаяди, қарияларни парвариш қилиш учун тўлов каби муаммолар кўпаяди.

Бешинчидан, ёши қайтган кишиларга тиббий хизматлар кўрсатиш учун қўшимча маблағ сарфлаш, *геронтологик* муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бутун соғлиқни сақлаш тизимини сифатли тарзда қайта қуришни талаб қилади.

Олтинчидан, ҳали ишлашни истайдиган «ёш қариялар»ни иш билан таъминлаш лозим. Бу осон вазифа эмас, чунки, маълумки, пенсия ёшига етмаганларга ҳам иш ўринлари етишмайди. Ёши қайтганларда фаол ҳаётий

позицияни сақлаб қолиш, уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш, ёлғизликка қарши кураш ҳам ғоят муҳимдир.

Еттинчидан, аҳолининг кексайиши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг тўзилмасига таъсир этади. Ахир ёши қайтганларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ равишда товарлар ва хизматлар ассортиментини ўзгартиришга тўғри келади. Баъзи технологик операцияларни ҳам ўзгартириш, машина ва ускуналарни ходимларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш керак бўлади.

«Қариялар кўпайиши» аста-секин бутун дунёни қамраб, кўплаб муаммоларни юзага келтирмоқда. Инсоният мазкур тенденция туфайли келиб чиқадиган вазифаларнинг муҳимлигини тушуниб етиши даркор. Кўпчилик мамлакатлар ёши қайтган одамларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш учун ҳозирдаёқ кўп ишларни амалга оширмоқдалар. Лекин кенг қамровли давлат сиёсатининг ишлаб чиқилиши бу муаммони ҳал қилади деган умиддамиз.

III. Боб. Жаҳон мамлакатларида миграцион жараёнларнинг илмий тахлили

3.1. Тараққиёт даражаси турлича бўлган мамлакатларда миграция жараёнлари

Ҳозирги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида дунё аҳолисининг миграцион фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Бунга жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражалари ўртасидаги фарқларнинг сақланиб қолаётганлиги, инсонларнинг “яхши яшаш”га бўлган табиий интилишлари, мамлакатлар ўртасида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича турли хил шартномаларнинг имзоланиши ҳамда тартибга солинмаган меҳнат муҳожирлари сонининг ўсиб бориши сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, баъзи давлатларда етарли иш ўринларининг мавжуд эмаслиги, қолаверса сиёсий, миллий, диний, экологик омилларнинг таъсири натижасида халқаро миграция жараёнининг жадаллашуви кўзатилмоқда. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида эса миграция оқими йирик саноатлашган шаҳарларга қаратилди. Ўз ўрнида, дунё миқёсида бу жараён турлича кечиб, Европа, Канада, АҚШ, Форс кўрфазининг араб давлатлари, Австралия ва Янги Зеландия асосан ишчи кучини ўзига тортувчи, Африка, Марказий Америка, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Индонезия ва бошқалар меҳнат эмигрантларини етказиб берувчи мамлакатлар ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, айрим давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг пастлиги миграция жараёнларининг сушт кечишига ҳам сабаб бўлмоқда. Масалан, Непал, Бутан, Афғонистон ва бошқа шунга ўхшаш қўл меҳнатига асосланган қишлоқ хўжалиги мавжуд давлатлар аҳолисини меҳнат малакасининг фақат шу тармоққа ишлашга мослашганлиги, маълумотлийдик даражасининг пастлаиғи туфайли иммигрантларни қабўл қилувчи давлатларни талабини қондиролмайди.

Айни вақтда дунёнинг Россия, Украина, Қозоғистон, Туркия каби ривожланаётган мамлакатларида миграцион фаолиятнинг ҳар икки хил турини ҳам кўриш мумкин. Ушбу мамлакатлар Хитой, Вьетнам, Монголия, Покистон, Сурия ва Марказий Осиё давлатларидаги меҳнат ресурсларини ўзида қабўл қилгани ҳолда, айни вақтда, маҳаллий меҳнат ресурсларини (асосан юқори илмий салоҳиятга эга бўлган) Германия, Буюк Британия, Франция, АҚШ ва Канада сингари ривожланган мамлакатларга жўнатади.

Юқоридаги ҳолат натижасида ҳудудларда турли кўринишдаги демографик вазият кўзатилмоқда. Халқаро мигрантларни қабўл қилувчи ҳудудлар асосан ривожланган давлатлар хиссасига тўғри келади ва бу жараёндан ривожланган давлатлар кенг фойдаланади.

БМТ томонидан жаҳон мамлакатлари халқаро миграция жараёнларининг ривожланиши, халқаро мигрантларни ёш ва жинс таркиби, уларни турлича ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткичларини акс маълумотларига кўра(2010й), дунё ҳудудларининг ривожланиш кўрсаткичлари бўйича йирик уч гуруҳга ажратилади:

1. Ривожланган ҳудудлар Европа, Шимолий Америка, Австралия, Янги Зеландия, Япония қабиларни ўз ичига олиб, мазкур ҳудудлар ялпи миллий маҳсулоти ва уни аҳоли жон бошига тўғри келиш кўрсаткичларининг кўплиги билан алоҳида ажралиб туради.

2. Ривожланаётган ҳудудларга Жанубий Америка ва Осиёнинг асосий қисми киритилади. Бу ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти нисбатан пастроқ даражада бўлиб, демографик салоҳиятининг юқорилиги ва, табиийки, меҳнат ресурсларига бойлиги билан яққол кўзга ташланади.


3. Паст ривожланган ҳудудлар асосан Африка қитъаси, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё ҳудудларида жойлашган баъзи давлатлар (Афғонистон, Камбожа, Бутан, Бангладеш, Мьянма) киради.

Давлатларнинг иқтисодий тараққиёти ўртасида бундай кескин тафовутларнинг мавжудлиги халқаро миграция, айниқса, меҳнат ресурслари миграциясини келтириб чиқармоқда. Маълумотларга кўра, халқаро

миграцияда иштирок этганлар 214 миллион киши (жаҳон аҳолисининг 3,1 фоизи) ни ташкил этган бўлиб, уларнинг ўртача ёши дунё аҳолисининг ўртача ёшига нисбатан каттароқ ва мигрантларнинг деярли ярмига яқинини аёллар ташкил этган.

Умуман олганда, дунё аҳолисининг ярми 28 ва ундан катта ёшдаги кишилардан иборат бўлса, бу кўрсаткич халқаро миграцияда 39 ва ундан катта ёшдаги кишиларни ташкил қилади. Бироқ, халқаро мигрантларнинг ўртача ёши юқорида ажратилган гуруҳлар бўйича бир хил эмас. Масалан, ривожланган минтақаларда халқаро мигрантларнинг ўртача ёши бироз каттароқ – 43 ёш бўлса, ривожланаётган худудларда – 34 ёш. Шунингдек, бу рақам кам ривожланган минтақаларда 29 ёшни ташкил этади.

4-Диаграмма



Диаграммада халқаро миграция жараёнида иштирок этган меҳнат ёшидаги аҳолини йирик уч минтақада тақсимланиши кўрсатилган.

Биринчи гуруҳ – 20 ёшдан 64 ёшгача бўлган, халқаро мигрантларнинг 72 фоизи (154 млн киши) шу ёшга мансуб. Бундай ёшдаги мигрантлар асосан ривожланган мамлакатларга тўғри келади – (62 %). Қолган 33 фоизини ривожланаётган, 5 фоизини паст ривожланган давлатлар мигрантлари ташкил этади. 2010 йилда Европа халқаро миграцияда иштирок этган меҳнат ёшидаги аҳолини 1/4 қисмига (50.5 млн) яқинини ўзига жалб этган ва улар жами Европа аҳолиси ишчи қатламнинг 12,6 фоизини шакллантирган.

Осиё минтақасида эса бундай мигрантлар 42 млн. кишини ташкил этган. Бироқ, бу кўрсаткич минтақада аҳоли сонининг кўплиги туфайли Осиё меҳнат ёшидаги аҳолисининг атиги 1,7 фоизини ташкил қилган, холос.

Статистик маълумотлар Шимолий Америкада халқаро мигрантлар 39.3 млн эканлигини, улар ҳудуднинг бутун ишчи кучининг 19 фоизини ташкил этганлигини кўрсатади. АҚШ ва Канада мамлакатлари “мигрантлар магнит майдонини” ҳосил қилиб, ўзларига халқаро мигрантларни (юқори малакали ишчи кучларини) кенг жалб эта бошлади. Мазкур давлатлар бутун дунёдаги меҳнат ёшида халқаро миграцияга қатнашган мигрантларнинг 26 фоизини ўзига қабўл қилиб, улардан самарали фойдаланиб келмоқда.

Иккинчи гуруҳ – халқаро мигрантларнинг 0 ёшдан 19 ёшгача бўлганларни ўз ичига олиб, кўриляётган йилда уларнинг сони 33 млн. атрофида. Ушбу ёшдаги мигрантлар ҳам регионлар бўйича турлича тақсимланган. 2010 йилда мазкур ёшдаги мигрантларнинг 39 фоизи (12.9 млн) Осиёга, 22,4 фоизи (7.4 млн) Европага, 19,9 фоизи (6.6 млн) Америкага, 2,1 фоизи (0.7 млн) Океания давлатларига тўғри келган.

Учинчи гуруҳ – 64 ва ундан юқори ёшдаги халқаро мигрантлардан иборат. Бу ёшдаги жами халқаро мигрантлар 27 млн, шуни ярмига яқини Европа ҳудудига, ¼ қисми Осиёга, қолгани бошқа ҳудудларга тегишли.

Ҳозирги даврда миграцион жараёнлар натижасида жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган давлатлари аҳолиси такрор барпо бўлиши, таркибий жиҳатларининг ўзгариши ҳолатлари юз бермоқда. Маскур ҳолат эса давлатларнинг иқтисодий ривожланишида ўзига хос таъсир кучига эга. Шу нуқтаи назаридан жаҳоннинг турлича ривожланган ҳудудларида халқаро миграция жараёнлари илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этишини тақазо этади.

3.2. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг миграцион сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари

XVIII-XIX асрларда демографик жараёнларнинг ривожланиши ўз навбатида давлатлараро савдо алоқаларининг ривожланишини, кемалар бандоргоҳларининг пайдо бўлиши, саноатлашган минтақаларнинг шаклланишида ҳам муҳим ўрин

тутди. Бу даврда эмигрантлар фаоллигида Европа давлатлари етакчилик қилди. Жумладан, Европадаги эмигрантлар сони бўйича биринчи ўринни Буюк Британия эгаллаган 1815-1900 йиллар қарийб 13 млн. киши эмиграция қилинган. Уларнинг аксарият қисми АҚШ (65%), Канада (15%), Австралия (9%), Жанубий Америкага (5%) чиқиб кетишган. Иккинчи ўринни Германия эгаллаб, 1841 йилдан то 1900 йилга қадар 4853 минг киши эмиграция этилган. Бу даврда италияликларнинг эмиграцияси ўзига хос бўлиб, мавсумий кўринишга эга бўлган ва моҳиятан майдониксимон миграцияга ўхшаб кетади, яъни улардан курувчилар, ер ўзлаштирувчилар Австрия, Болкон ярим ороли давлатлари, Швейцария, Франция каби давлатларга эрта баҳордан кетишиб, кеч кўзда қайтишган.

Доимий эмигрантлар оқими эса Аргентина, Бразилия ва АҚШга йўналтирилган. Шундай қилиб, италиялик эмигрантлар қитъалар бўйича тақсимооти Америкага – 80%, Африкага – 19%, Осиёга – 0,5%, Австралияга – 0,5% ни ташкил этган. 1900 йиллардан 1939 йилгача Европадаги эмиграция жараёнларини Шимолий Европа давлатлари давом эттирди. Бу даврда Швециядан 305 минг, Норвегиядан 360 минг, Даниядан 206 минг эмигрант чиқиб кетган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Европадаги миграция жараёнлари ниҳоятда тартибсиз кечган. Кишилар ёппасига хавфсиз ҳудудларга кўчирилган. Аммо, уруш Европанинг деярли барча ҳудудини қамраб олди. Сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлганлиги боис, бу миграция жараёнлари вақтинчалик кўринишга эга бўлди.

5-жадвал

XX асрда дунё аҳолисининг кўпайиб бориши

Йиллар	1900	1950	1980	1990	1997
Бутун дунё	1660	2100	4431	5231	5840
Хорижий Европа	290	392	483	499	582
Хорижий Осиё	965	1392	1577	3057	3552
Африка	126	220	470	685	743
Шимолий Америка	90	166	247	273	298
Лотин Америкаси	67	164	363	459	453

Австралия ва Океания	8	13	22	26	29
----------------------	---	----	----	----	----

*Болтиқ бўйи давлатлари билан бирга. Манба: В.П.Максаковский маълумотлари ва муаллиф ҳисоботи

Шундай қилиб, XX асрга келиб демографик жараёнлар ниҳоят мураккаб кўринишга эга бўлиб қолди. Инсоният тарихида катта ўрин эгаллаган иккита жаҳон урушини бошидан кечиришига қарамай, дунё аҳолиси 1900-1950 йиллар давомида 50 йил ичида 440 млн. кишига кўпайган бўлса, 1950-1980 йиллардаги 30 йил ичида 2,1 мартага кўпайди. Шунингдек, ўтган XX асрнинг 50 йилларига нисбатан 1990 йилларда 3571 млн. га, 2000 йилда 4436 млн. кишига кўпайди.

Албатта, алоҳида қитъалар, минтақалар аҳолисининг қайта барпо бўлишида ҳудудлардаги сиёсий, иқтисодий, экологик вазиятлар ҳам муҳим ўрин тутди. Бўлиб ўтган жаҳон урушлари баробарида фан-техника инқилоби, янги ерларнинг минерал-хомашё ресурсларининг беаёв ўзлаштирилиши оқибатида глобал муаммолар юзага келди. Натижада ривожланган мамлакатларнинг аксариятида депопуляция, яъни «демографик инқироз» юзага келган бўлса, бошқа баъзи давлатларда эса «демографик портлаш» ҳолати содир бўлмоқда. Жумладан, БМТ маълумотларига кўра, 2025 йилга бориб, Хитой аҳолиси 1569,6 млн. кишига Хиндистон аҳолиси 1384,6 млн. кишига етиши башорат қилинмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида шу каби янги географик омиллар таъсирида ташқи миграцияда кескин ўзгаришлар юз берди. Бу урушдан кейинги даврда тинч ҳўжалик юритишда меҳнат ресурсларига эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ бўлди.

Кам ривожланган мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришининг қолоқлиги, ишсизликнинг юқорилиги ва натижада арзон ишчи кучларининг тўпланиб қолиши ҳам миграцион жараёнларга ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, 1946-1957 йилларда Европадан 5900 минг киши бошқа ҳудудларга (саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг янги ўчоқларига) кўчиб кетишган бўлса, Шимолий Америка, яъни

АҚШ ва Канадага 3200 минг киши, Лотин Америкасига 1200 минг киши, Африкага 300 минг киши Австрия ва Океанияга 1000 минг киши кўчиб ўтган.

6-жадвал

Аҳоли миграциясининг қитъалараро натижалари (минг киши)

Қитъалар	1946-1957 йиллар	1960-1962 йиллар
Европа	-5900	+400-500
Шимолий Америка	+3200	+750-800
Лотин Америкаси	+1200	-250-350
Африка	+300	-900-1000
Осиё	+200	-50-150
Австралия ва Океания	+1000	+250

- Манба: А.Е.Слука маълумотлари

Уруш якунидан кейинги 10-15 йил ичида дунё мамлакатларидаги сиёсий-иқтисодий вазият бирмунча барқарорлашди. Эндиликда, дунё аҳолиси ерлари ҳосилдор, хом-ашё ресурсларига бой минтақаларга эмас, балки саноат ривожланган, ижтимоий-иқтисодий турмуш даражаси бирмунча юқори, фан-техника ривожига истикболли ҳудудларга интилишга бошлашди. Жумладан, 1960-1962 йиллар давомида аҳоли миграцион Европа учун ижобий тус олди ва мусбат кўрсаткични ҳосил этди. Аксинча, Африка, Лотин Америкаси, Осиё давлатларидаги миграция сальдоси манфий кўрсаткичларга эга бўлди. АҚШ ва Австралия давлатларига миграция оқими барқарор ривожлана борди.

7-жадвал

1960-1962 йилларда ташқи миграция сальдоси (минг киши)

Иммиграция давлатлари		Эмиграция давлатлари	
Франция	+1180	Жазоир	-900
Германия	+1080	Италия	-515
АҚШ	+820	Испания	-500
Буюк Британия	+300	Греция	-190

Австралия	+200	Мексика	-130
Швейцария	+180	Португалия	-100

- Манба: А.Е.Слука маълумотлари

1960- йилларда Бутун Ғарбий Европада дунёнинг бошқа минтақаларидан келиб ишлаётганлар 5 млн. кишини ташкил этган. Шундан Францияда 2 млн. дан ортиқ, Германияда ва Буюк Британияда 1 млн. дан 2 млн. гача, Швейцарияда 700 млн. атрофида мамлакатлар ҳудудидан ташқаридан ёлланиб ишлаганларни ташкил қилган.

Бу даврда асосий иммиграция давлатлари сифатида Франция, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Австралия ва Швейцария қайд этилса, эмиграция давлатлари сифатида эса Жазоир, Италия, Испания, Греция, Мексика, Португалия давлатлари қайд этилган. Саноатнинг оғир тармоқларида ишлаш учун асосан эркаклар талаб этилган. Масалан, 1964 йилда Бельгия кўмир саноатида банд аҳолининг 40%ини хорижий муҳожирлар ташкил этган.

Миграция жараёни иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатувчи ва ўз навбатида аҳоли жойлашувидаги муҳим муаммолар билан боғлиқ аҳолининг ҳудудий ҳаракатидир. Бугунги кунда аҳоли миграцияси демография, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, социология, статистика, этнография каби қатор фанларнинг тадқиқот объектига айланди. З.Х.Райимжонов таъкидлаганидек: «Инсоният тарихи бу миграция тарихи билан чамбарчас боғлиқ». Меҳнат ресурсларининг халқаро миграцияси бир неча юз йиллар илгари бошланиб, бу даврлар оралиғида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Албатта, бу Буюк географик кашфиётлар ва унинг оқибати бўлмиш халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўзгаришлар миграция жараёнининг шу даражада ривожланишига сабаб бўлди. Масалан, Америка қитъасининг кашф этилиши ёки Африка материгидаги маъданларнинг ўрганилиши Европа, Африка, Америка қитъалари бўйлаб миграция жараёнларининг фаоллашувини келтириб чиқарди. Биринчи ва иккинчи жаҳон миграцияси асосан сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлди. Бу даврда аҳоли миграциясига таъсир этувчи бошқа омиллар четда қолди.

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, йиллик миграция сальдоси 90-йилларнинг ўрталарига келиб, қарийб 1 млн. кишини ташкил этган, яъни қабул қилувчи мамлакатларга кўчиб келганлар сони бу ердан чиқиб кетганларга нисбатан 1 млн. кўп бўлган. Тахминларга қараганда, жаҳон иқтисодиётининг барқарорлашуви муносабати билан миграция сальдоси яқин йиллар ичида камайиб боради.

Халқаро миграция билан боғлиқ бўлган кун оқими ҳажми 100 миллиардлаб долларни ташкил этади ва уни кўлами жихатидан бемалол йиллик бевосита хорижий инвестицияларига тенглаштириш мумкин.

8-жадвал

Халқаро миграция билан боғлиқ кун оқимлари (млрд. \$)

		1987	1990	1995
Меҳнат даражаси	Дебет	13,8	19,5	20,7
	Кредит	-19,5	-25,6	-26,7
Тўпланган хусусий жўнатмалар	Дебет	64,9	100,1	95,6
	Кредит	-58,2	-91,8	-102,5
Жами:	Дебет	78,7	119,6	116,3
	Кредит	-74,2	-117,4	-122,1

Эмиграция меҳнат ресурслари сероб бўлган мамлакатлар иқтисодиётига яхши ишлари таъсир кўрсатади, нега деганда, ишчи кучининг чет элга чиқиб кетиши ишсизликнинг камайтиради. Чунончи, 70-йилларда Миср ҳукумати ишсизликка қарши кураш дастурини қабул қилар экан, унда Форс кўрфази мамлакатларига бўладиган эмиграциялаш, рағбатлантириш чораларини кўзда тутган. Пуэрто-Рикода энг кам иш ҳақи қонун бўйича ишчи кучининг локал учдан бир қисми АҚШга кетиши мўлжалланган.

«Ақлий талофот» кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар айниқса, Африка (Малави, Судан, Заир, Замбия) учун жиддий муаммо бўлиб келмоқда. Бироқ кўп ҳолларда мамлакатда иқтисодий аҳвол яхшиланганда «Ақлий талофот» ҳам барҳам топди. Масалан, ҳинд олимлари Силикон

водийсида юксак технологияга асосланган Америка коорпорацияларида бир канча йил ишлаб кейин ўз юртларига қайтган ҳинд саноатида янги компьютер дастурларини яратиш соҳасига асос қўйдилар.

Иммиграциянинг иқтисодий самаралари кўп ҳолларда юзаки тарзда салбий деб баҳоланади, бунинг сабаби чет элдан келган ишчилар иш жойларини эгаллаб туб аҳоли ўртасида ишсизликни кўпайтиради. Бундай муаммо ҳам борлигини инкор этмаган ҳолда, шунини таъкидлаш лозимки, иммигрантлар ўзлари билан бирга, тажриба, билим, ўқув деган нарсаларни олиб келадилар. АҚШ, Канада ва Австралия иммиграцияси натижасида пайдо бўлган мамлакатлардир. Баъзи мамлакатларда иммигрантлар бутун бир тармоқни келиб ривожлантириб юборишади. Бунга мисол қилиб, Индонезия, Малайзияда ишлаган хитойлик саноат ишчиларини Африкада фаолият кўрсатган ҳинд ва Ливан бизнесменларини, Форс кўрфазидида хизмат қилган иорданиялик ва фаластинликларни кўрсатиш мумкин. Қолаверса, иммигрантлар кўпгина мамлакатларда маҳаллий аҳоли инкор этадиган бўш иш жойларини тўлдиришади. Туркия ва Шимолий Африкадан келадиган иммигрантлар Германия ва Франция иммиграциянинг 60-80%ини ташкил этишади. Фаластинликлар Исроилда, индонезияликлар Малайзияда, боливияликлар Аргентинада энг оғир ишларга жон деб кўнишади. Қолаверса, мамлакат учун даромад келтирувчи, шу жумладан, экспортдан даромад келтирувчи баъзи саноат тармоқлари иммигрантлар бўлмаса, танг аҳволга тушиб қоларди.

ЖАР кон-руда саноатнинг Доминикан Республикаси, Малайзия ва Испанияда қишлоқ хўжалик плантацияларини, Малайзия каучук ва резина саноатини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шубҳасиз, иммиграция билан боғлиқ бўлган салбий оқибатларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Ривожланган мамлакатларда, бу нарса аввало, иммигрантлар оқиб келиши натижасида кам малакали ишчи кучини реал иш ҳақи камайишига олиб келади.

Иқтисодий сабабларга кўра, мигрантларнинг асосий оқимлари киши бошига тўғри келадиган даромад кам бўладиган мамлакатдаги шу даромад кўпроқ бўлган мамлакатга қараб ҳаракат қилиб келган. Урушдан кейинги бутун давр мобайнида, халқаро миграция йўналишлари доимо ўзгариб турган иқтисодий шарт-шароитларга қараб турлича бўлиб келди.

Бошқа мамлакатлардан келувчи мигрантларни жалб этувчи мамлакат ва минтақалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. АҚШ, Канада, Австралия ва АҚШ ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан энг кўп тараққий этган мамлакат бўлганлиги учун ҳам паст малакали ҳам, юқори малакали ишчи кучи миграциясида асосий йўналиш ҳисобланади. Ҳар йили у ерга дунёдаги барча мамлакатларни қўшиб ҳисоблаганда, кўпроқ иммигрантлар оқиб келади. Паст малакали ишчи кучи АҚШга асосан, Лотин Америкасидаги қўшни давлатлар Мексика, Кариб ҳавзаси мамлакатларидан келади. Юқори малакали хизматчилар дунёдаги деярли ҳамма мамлакатлардан шу жумладан, Ғарбий Европа, Лотин Америкаси, Россия, Ҳиндистон ва ҳ.к.лардан иммиграция қилишади. АҚШ ва Канадага келадиган иммигрантлар сони 90-йилларнинг ўрталарида йилига 900. 000 кишини ташкил этди. АҚШга расмий равишда ҳар йили 740 минг киши кўчиб келса, 160 минг киши четга чиқиб кетади. Соф иммиграция (миграция сальдоси) 580 минг кишини ташкил этади.

Ғарбий Европа ва ундаги энг кўп ривожланган мамлакатлар, аввало, элга кирувчи шу минтақадаги кам ривожланган мамлакатлар (Португалия, Мальта, Испания)дан, Шимолий Африкадаги ва Яқин Шарқдаги араб мамлакатларидан, Африканинг Сахарадан жанубдаги мамлакатларидан, Шарқий Европа мамлакатларидан ишчи кучини ўзига жалб этиб келмоқда. Ғарбий Европанинг собиқ мустамлакалари бўлиш, Африка мамлакатларидан миграцияга ёрдам берадиган омиллар бор – бўлар бир тилда гаплашиш мумкинлигини, тарихан юзага келган анъанавий савдо ва бошқа алоқалардир. Ғарбий Европага келадиган иммигрантлар сони 90-йиллар ўртасида йилига 180 млн. кишидан иборат бўлган. Қолаверса, Ғарбий Европа интеграцияси

доирасида умумий ишчи кучи бозори ташкил этилган ва у ривожланиб бормоқда. 90-йиллардаги зўр янгилик бу ривожланаётган мамлакатларнинг ўзида ҳам меҳнат миграциясининг жадаллашуви бўлди. Одатда ишчилар оқими иқтисодий ислохотлар йўлида фаоллик кўрсатаётган мамлакатларга қараб йўл олади. Чунончи, Лотин Америкасида мавсумий ишчилар ва йиғув корхоналарида ишламоқчи бўлганлар Аргентина ва Мексикага боришади. Африкада Сахаранинг жануброқ қисми, Фил суяги соҳили, Нигерия ва ЖАРга барча иммигрантларнинг ярмидан кўпроғи тўғри келади. 1991 йилда Форс кўрфазидаги уруш туфайли қарийб 1 млн. га яқин мисрлик Ироқдан, 100 минг яманлик Саудия Арабистонидан ва 500 мингга яқин фаластинлик ва иорданиялик ишчилар Қувайтдан чиқиб кетди. Уларнинг ўрнини эса Ҳиндистон ва Мисрдан келган ишчилар эгаллади.

Янги саноат мамлакатлари: Жануби-шарқий Осиёдаги бу мамлакатлар гуркираб ривожланганлиги сабабли вақтинча ишга ёлланувчи иммигрантлар оқими кўпайди. Жанубий Корея ва Малайзия мисолида бу ҳол яққол кўзга ташланади. Бир йилда 25 мингдан ортиқ киши кириб келадиган мамлакатларнинг деярли ҳаммаси аҳоли жон бошига 6900 доллардан кўпроқ ЯИМ тўғри келувчи юксак даражада ривожланган мамлакатларидир. Эмиграция манбаи бу ривожланаётган мамлакатлар бўлиб, бўларнинг ичида Мексика ва Осиё мамлакатлари етакчилик қилади.

Демак, миграция билан боғлиқ бўлган сон кўрсаткичлари жорий операциялар балансининг бир қисми бўлиб, меҳнат даромадлари (норезидентларга тўловлар), ҳамда тўланмаган хусусий жўнатмалар, (мигрантлар чет элга кетаётганида ўзи билан олиб ўтадиган мол-мулкнинг пулга чақилган тахминий қиймати ва кейинчалик ўз ватанига маҳсулот ва пул тарзида юборадиган жўнатмалари) деган моддаларга ажратилади. Миграция натижасида эришилган иқтисодий самара, мигрантлар даромадининг ошиши, ўз юртига юборадиган пул жўнатмаларининг кўпайиши шаклларида намоён бўлади. Ривожланган мамлакатлар —

иммиграциясининг асосий йўналиши, ривожланаётган мамлакатлар эса эмиграциянинг асосий манбаидир.

Инсоният тарихи – бу миграция тарихи ҳамдир. Одамлар бир жойдан иккинчи жойга бирдан-бир мақсад, яъни яхши яшаш учун мақбўл жойларга, иш бор жойларга кўчишади. Миграция жараёни айниқса, кейинги икки юз йилликда жуда тезлашди. XIX асрда 50 млн. европалик, бошқа континентларга кўчишди. Кўчишларнинг асосий сабаби яшаётган жойларида ерларнинг етишмовчилиги ва кўчиб борган жойларида эса ерларнинг арзон баҳоларга сотилишидир. Кўчиб борган мигрантларнинг кўпчилиги қишлоқ жойларида ўрналашдилар. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида эса миграция оқими йирик саноатлашган шаҳарларга қаратишди. 1846-1939 йилларда Европада 38 млн. одам АҚШ га, 7 млн. Канадага, 2 млн. Австралияга, 7 млн. Аргентинага, 5 млн. Бразилияга кўчиб ўтишди.

Кейинги икки асрдаги жаҳонда рўй берган миграция оқимини тахминан тўртта даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр (XIX аср ва XX асрнинг бошлари 1914 йилгача). Бу даврда Россиядан ташқари Европанинг ҳамма мамлакатларида одамлар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга бемалол ҳеч қандай рухсатсиз ва паспортини алмаштирмасдан биргина XIX асрда, яъни 100 йил мобайнида Европа аҳолисининг 12% бошқа мамлакатларга кўчиб келавериши муносабати билан ушбу мамлакатга кўчиб келувчилар ҳаммасини ҳам қабўл қилавермаслик ҳақида қарорлар қабўл қилинди. Айниқса, Осиёдан кўчиб борувчилар учун паспорт режими қийинлаштирилди. Хитойликларни то XIX асрнинг охиригача Америкага кўчиб келишлари таъқиқланди.

Иккинчи давр (1914-1945 йиллар), Кўпчилик Европа давлатлари муҳожирларнинг кўчиб келишига қарши бўлган қонунлар қабўл қилдилар, чунки биринчи жаҳон уруши даврида ва айниқса, иккинчи жаҳон уруши арафасида Европадан сиёсий ва бошқа турли таъқиблар остига олинган миллионлаб кишилар Европа давлатларини тарк этиб бошқа мамлакатларга кўчиб кетишаётган эди. АҚШда 1921-1924 йилларда иммигрантлар сонига

квота эълон қилинди. У йилига АҚШ га мумкин бўлган кўчиб келувчилар сонини 162 киши деб белгиланди. Европаликлар шу давр ичида асосан Лотин Америкага, инглизлар эса ўз колонияларига кўча бошлашди. Англияда 1922 йилда кўчиб кетувчилар учун алоҳида қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга биноан инглизлар ўз доминионларига кўчиб боришаётганларида уларга моддий ёрдам кўрсатиладиган бўлди. Шундай қилиб, инглизлар доминионларида ўзларининг фуқарolari жойлаштирилишини, давлат миқёсига кўтардилар. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги пайтда Буюк Британия ҳамкорлигидаги давлатларнинг кўпчилик аҳолисини инглизлар, улар Австралияда (96%) ни, Канадада (45%) ни, Янги Зеландияда (75-80%) ни ташкил қилади.

Учинчи давр (1945-1975 йиллар). Ушбу даврдаги миграция жараёнига иккинчи жаҳон урушининг ва нефть кризисининг асоратлари таъсир қилди.

Миллионлаб одамлар немис асрлигидан мамлакатларига, Германиядан қочиб кетган немислар эса, ўз ватанларига қайтдилар. Шундай жараён 1946 йилнинг охирида Осиё қитъасида ҳам рўй берди. Хитойда Манчжуриядан, Жанубий Кореядан 6 млн. японлар Японияга депортация қилинди. 1947 йили Ҳиндистон иккига бўлиниб, Покистон Республикаси ташкил қилиниши муносабати билан 8 млн. ҳиндлар Ҳиндистонга, 6 млн. мусулмонлар эса Ҳиндистондан Покистонга кўчиб ўтдилар.

Урушдан кейин мамлакатлар ўз иқтисодиётини тиклаш учун, қўшимча ишчи кучи керак бўлди. Кўпчилик мамлакатлар миграциясини чеклаган қонунларини камайтириб, ўрмонга иммигрантлар учун бир қанча қулайликлар туғдирадиган янги қонунлар қабул қилишдилар. Масалан, АҚШ да қабул қилинган янги қонунга кўра, миграция эркинлаштирилди ва миллий таркибга белгиланган квоталар ҳам бекор қилинди. Шу даврдан бошлаб, яъни 1946-1966 йилларда АҚШга 4,3 млн. одам кўчиб борди, шуларнинг 2,9 млн. ни европаликларни ташкил қилди, Канадага 1 млн. одам кўчиб борди. 1948-1963 йиллар Ғарбий Европанинг ўзи эса иммигрантларнинг асосий оқими

йўналган жуда катта ҳудудга айланди. 1950-1980 йиллар ўртасида ушбу ҳудудга 10 млн. одам кўчиб борди.

Тўртинчи давр (1970 йилларнинг ўрталаридан то ҳозирги давргача). Бу даврда Европа мамлакатларида айниқса, собиқ Иттифоқдан кўчиб боровчилар учун миграцияни қийинлаштирадиган қонунлар қабўл қилинди. 1994 йилга Европа Иттифоқидаги давлатлар 1992 йилга қараганда иммигрантларга икки баробар кам рухсатномалар берган. Осиёнинг саноати ривожланган мамлакатларида ҳам ҳозирги кунда малакасиз ишчиларнинг келишини қийинлаштирадиган қонунлар қабўл қилинмоқда.

Маълумки, собиқ Иттифоқ парчаланиб, унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил суверен давлатларда 25 млн. рус миллатига мансуб аҳоли бор эди, ҳозиргача уларнинг кўпчилиги Россияга кўчиб ўтди. Россия ҳозирги кунда МДХ давлатлари орасида ишчи мигрантлар оқими қаратилган давлат бўлиб қолмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлади. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

Биринчидан, Россиядаги демографик вазият. 2003 йил Россияда туғилиш коэффиценти ҳар 1000 кишига 9,0%, ўлим эса 15% ни, табиий кўпайиш манфий –6,0% ни ташкил этган.

Иккинчидан, Россиянинг бепоён ҳудудидаги табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши.

Учинчидан, МДХ давлатларидаги аҳолининг кўпчилиги рус тилида гаплаша билишидир.

Россия учун ҳозир ҳам, келажакда ҳам Марказий Осиё республикалари асосий ишчи кучи билан таъминлайдиган мамлакатлар бўлиб қолади, чунки ушбу республикаларда ҳали ҳам туғилиш даражаси анча юқори.

Халқаро миграциянинг яна бир турига Хитой Халқ Республикасидаги мигрантлар ва уларга давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам ва чет мамлакатларда ишлаб келиб, Хитой иқтисодиётига, илм-фанига, катта ҳисса қўшаётган иммигрантлар мисол бўла олади. Масалан, ҳозир чет мамлакатларда 30 млн. хитойликлар бор, уларни «Хуацяо» дейилади.

Ҳозирги ўз мутахассисликлари бўйича малакаларини ошириб ватанига қайтиб, профессор ва доцент бўлиб ишлаётганлар Хитой олийгоҳларида 30% дан ортиғини ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, халқаро миграцияга иқтисодий, сиёсий, экологик шароит, тилларни билиш бевосита таъсир кўрсатди. Демак, инсоният тарихи бу миграция тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

ХУЛОСА

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда халқаро миграция жараёнлари қуйидаги хулосага келиндики, ишчи кучининг халқаро ҳаракати ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида иқтисодий ривожланиши суръатларига таъсир қилади, бу ҳаракатнинг сабаби эса турли мамлакатларда, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси турлича эканлигидан иборат. Ҳар бир киши ўз меҳнатининг энг сўнгги самарасини олади ва истеъмол қилади, деган ақидага асосланувчи неоклассик назария тарафдорларининг эмиграция қабул қилувчи мамлакат фаровонлигини оширишга хизмат қилади, айтиб ўтиш лозимки, бир пайтда эмиграциянинг асл ватани бўлган давлатда иқтисодий ривожланиш сақланиб қолади ёки ҳеч бўлмаса пасаймайди.

Халқаро миграцияда иштирок этаётган мигрантлар ривожланган мамлакатларда аҳолининг табиий ўсишини давлатнинг демографик ҳолатини бирхилликда ушлаб турганлиги маълум бўлди.

Ҳозирги даврда миграцион жараёнлар натижасида жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган давлатлари аҳолиси такрор барпо бўлиши, таркибий жиҳатларининг ўзгариши ҳолатлари юз бермоқда. Маскур ҳолат эса давлатларнинг иқтисодий ривожланишида ўзига хос таъсир кучига эга.

Сайёрамизнинг ХХІ асрнинг биринчи ярмига қадар бўлган демографик башоратида дунёнинг баъзи ҳудудларида аҳоли сони секинлик билан купайиб бориши, баъзи ҳудудларида аҳоли сони купайишдан тухташи, яна бир гуруҳ давлатларда эса аҳоли сонининг купайиши нисбатан жадалроқ кечиши қайд этилган. Ҳозирги кунда дунё аҳолиси сонининг ўзгариб бориши билан боғлиқ глобал иқтисодий, демографик ва экологик муаммолар мавжуд. Шу нуқтаи назаридан жаҳоннинг турлича ривожланган ҳудудларида халқаро миграция жараёнлари илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этишини тақазо этади.

Кўриниб турибдики, халқаро миграцияга иқтисодий, сиёсий, экологик шароит, тилларни билиш бевосита таъсир кўрсатди. Демак, инсоният тарихи бу миграция тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов. И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, - 1995. 58-75 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.:Ўзбекистон, 1997. – б.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. б
4. Каримов И. А. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.-Т.: Ўзбекистон, - 2000. 362-424 б.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ишлов этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 бет.
6. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – ... б.
7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – б.
8. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулдирмиз.-Т.; “Ўзбекистон”;2001, 9 т.;171 б
- 9.Переведенцев В.И. Методы изучения миграции населения. -М., 1975.- 231 б.
- 10.Урланис Б.Ц., Борисов В.А. (ред.). Народонаселение стран мира. Справочник. -М., 1984.
- 11.Ата-Мирзаев О., Гольдфарб Б. Перспективы воспроизводства населения Средней Азии. В: «Наше будущее глазами демографа». –М., 1979, с.113-119
- 12.Ата-Мирзаев О., Салиев А. Урбанизация в регионе. – В сб.: Народонаселения. М., 1985 Ата-Мирзаев О.Б. Многодетная женщина.

Социально-демографический анализ. В: «Женщины на работе и дома». М., 1978

13. Слука А.Е., Слука Н.А. География населения с основами демографии. Учебно-методическое пособие. –М.: Изд. МГУ. 2000.

14. Народонаселение мира. М.: 1974. С. –4.

15. Смагин Ю.А. Территориальная организация населения. М., 2004. 45- 46-бет.

16. Бўриева М.Р, Демография асослари. Т.; 2001 йил

17. Бўриева М.Р., Д.Н.Эргашова, Дунё аҳолиси.-Т;. Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси “Фан”-2008 йил.

18. Райимжонов З.Х. Халқаро миграция кеча ва бугун “Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шакилланиши” Республика илмий-амалий конф. Материаллари. Термиз, 2006 йил.

19. Демографический-энциклопедический словарь. М.. 1985.. с. 274.

20. Население и общество. Информационный бюллетень Центра демографии и экологии человека Института народнохозяйственного прогнозирования РАН. Август, 2003., № 74

21. Население и общество. Информационный бюллетень центра демографии и экологии человека. Института народнохозяйственного прогнозирования РАН. 2006 г. № 76.

22. БМТ нинг 2010 йил маълумотлари.

23. Солиев А. Ўзбекистон худудлари ижтимоий иқтисодий ривожланиши, монография. Т 2010 йил

24. Мўминов О. Қизикарли география. Т.1978 йил

35. www.RNIB.Org/

26. www.un.org/esa/population

60 ва ундан юқори ёшли одамларнинг сони

2009 йилда, 737 млн одам 60 ва ундан юқори ёш саналган ва уларни дунёнинг “ёши катта аҳолиси” деб аташган. Ушбу ёшдаги аҳолининг 3/2 қисми ривожланган мамлакатларда яшайди. 2050 йилга бориб, уларнинг сони тахминан 2 млрд га етиб қолади. Бу эса болалар сонидан ҳам ошади (0 дан 14 ёшгача бўлган одамларни). Бугунги кунда ёши катта аҳолининг ярмидан кўпи 54% Осиёда, 21% Европада истиқомат қилади.

60 ва ундан юқори ёш одамларнинг бутун аҳолига нисбатан фоизлари.

Бугунги кунда дунёдаги одамларнинг 9/1 нафари 60 ва ундан юқори ёшдир. 2050 йилга келиб, БМТнинг тахминича 5/1 нафар одам 60 ва ундан юқори ёшли бўлади. Ривожланган давлатларда ёши катта одамлар аҳолининг кўпроқ фоизини ташкил этади. Европада эса аҳолининг ҳар 5/1 нафари юқори ёш ҳисобланади. Кариб оролларида. Лотин Америкаси ва Осиёда бу кўрсаткич 10/1, Африкада эса 19/1 нафарга нафарга тўғри келади. Ривожланаётган мамлакатларда ривожланган мамлакатларга нисбатан ёши катта одамлар сони ўсиб бормоқда.

Ёши катта аҳоли

Ёши катта аҳоли ўз номи билан айтиб турибдики уларнинг ёши 80 ва ундан юқори бўлганлардир. Бу аҳоли 60 ва ундан юқори ёшларнинг 14% ни ташкил этади. Ушбу ёшдаги одамлар 2050 йилга келиб ёши катта аҳолининг 20% 80 ва ундан юқори ёшда бўлади. Қариялар сони кундан кунга ошиб бормоқда. (100 ёш ва ундан юқори бўлганлар назарда тутилмоқда). Уларнинг сони 2009 йилда 454 000 нафар бўлган бўлса, 2050 йилга бориб, ушбу кўрсаткич 4.1 млрдга етиши мумкин.

Ўртача яшаш ёши.

Олдинги пайитда ўртача яшаш ёши 60 ёш бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич анча ўзгарди. 1950 йилдан кейин 60 ёшга кирган эркаклар яна 18 ёш ўртача яшайди, аёлларда эса бу кўрсаткич 21 ёшга тенг. Лекин турли мамлакатларда турлича уртача ривожланган мамлакатларда эркаклар 60 ёшга киргандан кейин 15 йил ўртача яшайди, аёллар эса 17 йил яшайди. Аммо ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич эркакларда 20 йил, аёлларда 24 йилни ташкил этади.

Жинс бўйича мутаносиблик.

Аёллар ўртача яшаш йили эркакларга нисбатан кўпроқ. 2009 йилда 60 ва ундан юқори ёшда бўлган 83 нафар эркакка 100 нафар аёл тўғри келган ва 80 ва ундан юқори ёшдагилар учун эса 59 нафар эркакка 100 нафар аёл тўғри келган. Ривожланган давлатларда эркаклар билан аёллар ўртасидаги мутаносиблик пастроқ (74 нафар эркакка 100 нафар аёл), ривожланаётган давлатларда эса бу кўрсаткич 89 нафар эркакка 100 нафар аёл тўғри келади. Чунки ривожланган давлатларда ўртача яшаш ёши каттароқ.

Катта ёшдаги инсонлар оила қуриш фоизлари

Катта ёшдаги эркаклар шу ёшдаги аёлларга нисбатан оила қуриш эҳтимоли кўпроқ. Чунки аёллар эркакларга нисбатан ёш оила қуради ва аёлларда бевалик кўпроқ учрайди эркакларга нисбатан. Натижада эркаклар яна бир марта оила қуради, беваликдан кейин ёки ажралишдан кейин, аёлларга нисбатан жаҳон миқёсида эркакларнинг 80% оилали бўлади, аёллар эса 48% оила қуради катта ёшга етгандан кейин. Жинс бўйича қараганда кам ривожланган мамлакатларда оилалилар тинглиги фарқланади у ерда оилада турмуш ўртоғининг ёши каттароқ.

Ёлғиз яшовчи кишиларнинг фоизлари

Албатта кўпчилик ёлғиз яшайдиган инсонлар ижтимоий томондан фаол, ўзини ўзи қўллаб-қувватлаш учун туғри келади. Аммо ёлғизлик уларни кунгилчанг қилиб қўяди. Бу ҳолат айниқса касал бўлганда ёки ногирон бўлганда билинади ва ижтимоий ажралиб чиқиши ҳимояланиш ва қашшоқликка олиб келиши эҳтимоли катта. Аниқланишича дунёда ёши катта

одамларнинг 14% ёлғиз яшайди, лекин аёллар билан эркеклар орасида буни қарайдиган бўлсак қўйидаги натижа беради; ёлғиз яшовчи эркеклар 9% , аёллар 19% ни ташкил қилади.

Турмуш уртоғи йўқ бўлган. Ёлғиз инсонлар орасида эса кўпчилики эркеклар ташкил этади. Ёши катта ёлғиз яшовчилар ривожланаётган мамлакатларда камроқ яни 8% ривожланган мамлакатларда эса 24% ни ташкил этади.

Меҳнат ресурслари

Иқтисодий фаол аҳоли деб 25-64 ёшгача бўлган аҳоли қатламига айтилади. Бу давлатдаги катта ёшдаги аҳолини иш билан банд бўлувчи аҳолига қармлигини ҳам кўрсатувчи ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳозирги кунда (2009) 1950 йилга нисбатан ҳар бир катта ёшли кишига 12 нафар иқтисодий фаол кишидан 9 нафар ишчига тушди. Бу 2050 йилга бориб 65 ёки ундан катта ёшдагиларда 1 нафарга инсонга 4 нафар ишчи инсонлар тўғри келади. Иқтисодий фаол ёшдаги аҳоли даражаси ижтимоий ҳимоя тизимини молиявий таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди (нафақа ва соғлиқни сақлаш)шунинг билан бирга бу қатлам ўз шахсий оилаларидаги кикса ёшдаги кишиларни ҳам молиявий таъминлашда муҳим ўрин эга.

Нафақага чиқиш

Кўпчилик ривожланган давлатларда эркеклар 56 ёки ундан юқорида ёшда давлатдан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлмоқда аёллар эса 65 ёшгача бўлган даврда нафақага чиқиш мумкин. Ривожланган давлатларда нисбатан ёшроқ нафақага чиқарилади. Улар 55-60 ёш оралиғида нафақага чиқишлари мумкин. Ривожланган давлатларда нафақага чиқиш ёши билан бирга шрточа умр кўриш кўрсаткичлари ҳам одатта паст бўлади.

Катта ёшдаги аҳолининг ишчи кўчига нисбатан фоизлари

Ривожланган мамлакатларда нафақаёшидаги катта ёшдаги аҳолининг 24 % ишлашда давом этса, ривожланаётган давлатларда эса худди шу ёшдаги эркекларни 47% иқтисодий фаол бўлиб қолмоқда. Ёши катталар орасида эса 14% қариялар ривожланган давлатларда ишлашда давом этса 24 % нафақдаги

аёллар ривожланаётган давлатларда иқтисодий фаол бўлиб қолмоқда. Ривожланаётган давлатларда кўп инсонлар ишлашда давом этишларига сабаб давлат томонидан кучли ижтимоий ғимояга олинмаслиги ёки ижтимоий ғимояга олинганда ҳам бу ҳаётлари учун йитарли бўлмаслиги.